

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
**УДК: 339.13 (575.111)**

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**ТОХИРОВ СУННАТИЛЛА УЛМАСОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни**  
**ривожлантириш Давлат Қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий**  
**бошқармаси мисолида)**

**5A230108 – “Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни**  
**ривожлантириш”**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:**

**и.ф.д., проф. М. Б.Хамидулин**

**ТОШКЕНТ-2018**

Ушбу магистрлик диссертациясининг янгилиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмак бериш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси амалиётида қўлланилган. Қўмитанинг рақобат муҳитини шакллантириш ва такомиллаштиришдаги ролини оширишда, тартибга солиш ва таҳлил қилишда хорижий тажрибалардан, жумладан Европа иттифоқи давлатларининг рақобат муҳитини такомиллаштиришдаги тажрибасидан фойдаланилди. Унинг янгилиги тажрибадан самарали фойдаланиш орқали корхоналар ўртасида соғлом рақобат муҳитини янада ошириш бўйича таклиф этилаётган назарий ва амалий тавсияларнинг асосланганлиги ҳисобланади. Шу билан бир қаторда рақобат муҳити ва унинг корхоналар ривожланишига таъсир даражасини аниқлаш асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

The novelty of this master`s dissertation has been used in the practice of the Tashkent Regional Territorial Administration updating of the State Committee of the Republic of Uzbekistan for Privatization Support and Competition Development. The experience of foreign expertise, including the experience of improving the competitive environment of European Union countries, has been used to enhance the role of Committee in shaping and improving the competitive environment, regulatory and analysis. Its novelty is the validity of the proposed theoretical and practical recommendations for the further enhancement of healthy competition among enterprises through effective use of experience. Conclusions and recommendations have been elaborated on the basis of the definition of the competitive environment and the impact on its development.

Магистрлик диссертация иши “Корпоратив бошқарув” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. \_\_\_\_ - сонли баённома «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 й.

**Илмий раҳбар:** и.ф.д., проф. М.Б.Хамидулин \_\_\_\_\_

**Такризчи:** О.Маманазаров

ТАҚИ “Менежмент” кафедраси доценти \_\_\_\_\_

**Магистр:** С.Тохиров \_\_\_\_\_

**“Ҳимояга рухсат этилади”**

“Корпоратив бошқарув” кафедраси

муdiri PhD. Д.Бегматова \_\_\_\_\_

“\_\_\_\_” “\_\_\_\_” 2018 йил

Ҳимоя Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида

2018 йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат “\_\_\_\_” да бўлади.

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                                                  |            |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|
| <b>КИРИШ.....</b>                                                                                                                | <b>4</b>   |
| <b>I-БОБ. РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....</b>                                                    | <b>8</b>   |
| <b>1.1.</b> Рақобат муҳити тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти.....                                                                | 8          |
| <b>1.2.</b> Ўзбекистонда рақобат муҳити ва уни шакллантиришнинг методологик асослари.....                                        | 31         |
| <b>1.3.</b> Рақобат муҳитини шакллантириш хориж тажрибаси.....                                                                   | 41         |
| I-Боб бўйича хулоса.....                                                                                                         | 47         |
| <b>ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАК БЕРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ</b>                                                    |            |
| <b>II-БОБ. ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИНИНГ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ..</b>             | <b>48</b>  |
| <b>2.1.</b> Тошкент вилояти рақобат муҳитининг ривожланганлик ҳолати таҳлили.....                                                | 48         |
| Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмак бериш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси                   |            |
| <b>2.2.</b> Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг рақобат муҳитини шакллантиришдаги ташкилий функционал вазифалари таҳлили..... | 62         |
| Тошкент вилоятида хусусийлаштирилган корхоналар рақобат                                                                          |            |
| <b>2.3.</b> муҳитини шаклланиши ва унда ҳудудий бошқарманинг ўрни ва аҳамияти.....                                               | 76         |
| II-Боб бўйича хулоса.....                                                                                                        | 83         |
| <b>ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ</b>                                                                                             |            |
| <b>III-БОБ. ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....</b>                                                                      | <b>85</b>  |
| <b>3.1.</b> Ўзбекистон Республикасида рақобат муҳитини такомиллаштириш моделлари.....                                            | 85         |
| <b>3.2.</b> Рақобат муҳитини такомиллаштиришнинг хориж тажрибаси ва уни Ўзбекистон амалиётида қўллаш имкониятлари.....           | 92         |
| III-Боб бўйича хулоса.....                                                                                                       | 100        |
| <b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....</b>                                                                                                  | <b>101</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>                                                                                     | <b>105</b> |
| <b>ИЛОВАЛАР.....</b>                                                                                                             | <b>110</b> |

## КИРИШ

**Магистрлик диссертацияси мавзунинг долзарблиги.** Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, интеграцион жараёнларнинг кучайиши, инновацияларнинг жадал ривожланиши миллий иқтисодиёт олдида халқаро рақобатбардошликка эришиш ва жаҳон бозорида мустаҳкам мавқега эга бўлиш вазифаларини қўймоқда. Маълумки, мамлакатда ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш мумкин.

Иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи мавжуд рақобат муҳити тараққиётнинг ёрдамчи “двигатели” сифатида модернизациялаш ва техник янгиланиш жараёнларини жадаллаштиради. Рақобат шароитида ишлаб чиқариш муносабатлари субъектлари ўртасида унумлироқ технология, иш жойи, яхши бозорни қўлга киритиш, умуман, юқори даромад олиш имконияти учун кураш олиб борилади.

Айтиш жоизки, мамлакатда ёш иқтисодий соҳаларни имоя қилиш ривожланиш даражаси нисбатан пастроқ бўлган мамлакатларда, уларнинг саноати тажрибага эга бўлмагунча, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларининг пастлиги жиҳатидан импорт қилинадиган маҳсулотлар билан рақобатлаша олмагунча, бож тарифларини вақтинча киритиш, замонавий саноат маҳсулоти импортини чеклаб, кучли рақобатдан миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилади. Импорт тарифи ҳимояси остида янги саноат соҳаси ишлаб чиқаришни такомиллаштиради, унинг самарадорлиги ошади, маҳсулотнинг нархи пасаяди. Маҳсулотнинг ички нархи жаҳон нархига яқинлашади ва бож тарифи бекор қилинади. Халқаро рақобатга киришгач, мамлакат ўз ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда давом этади, ички нарх жаҳон нархи даражасидан пасаяди ва бу мамлакат учун янги соҳаларнинг маҳсулотларини экспорт қилишга имконият яратади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол

тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармонида белгиланган “Эркин рақобат муҳитини яратиш, нархларнинг барқарорлиги ва имтиёзларнинг манзиллилигини таъминлаш мақсадида имтиёзларни индивидуал тартибда бериш амалиётидан воз кечиш, уларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг алоҳида турлари учун жорий этиш” бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилишида маълум даражада хизмат қилади.

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг ўрганилганлик даражаси.** Минтақаларда рақобат муҳитининг моҳияти, уларнинг аҳамияти ҳамда рақобат муҳитини шакллантириш орқали уларни такомиллаштириш йўналишлари хорижлик етакчи иқтисодчи олимлар Байнке К., Беренвилд А.Р., Э. Долан, Питер С.Роуз, Балабанов И.Т., Лаврушин О.И., Котлер Ф, Жуков Э.Ф., Маркова Л.С, Севрук В.Т, Усоскин В, Панова Г, Соколинская Н, Ширинская Е.Б, Данько Т.П, Спицин Я.О, Спицин Г.Л. В. Турбанов ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Бугунги кунга мамлакатимизда рақобат муҳитини яратиш ҳамда уларни такомиллаштириш муаммолари билан маҳаллий иқтисодчи олимларимизнинг илмий ишларидан Ш.З.Абдуллаева, М.Мухиддинов, М.Абдумавлонова, З.Хакимов, М.Болтабаевларнинг ишларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

**Магистрлик диссертациясининг мақсади.** Аввало рақобат муҳитини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган корхоналарнинг рақобат муҳитини такомиллаштиришда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ролини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Магистрлик диссертациясининг вазифалари.** Магистрлик диссертациясининг мақсадига эришиш учун қуйидагилар диссертациянинг вазифалари этиб белгиланди:

- Рақобат муҳитини шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда рақобат муҳитини такомиллаштиришнинг мазмуни ва моҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда рақобат муҳитини такомиллаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда рақобат муҳитини такомиллаштиришнинг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлилин аналга ошириш ва хулосалар ишлаб чиқиш;
- Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг рақобат муҳитини такомиллаштиришдаги вазифаларини таҳлил қилиш ва ўрганиш;

#### **Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги**

- рақобат муҳити ва унинг корхоналар ривожланишига таъсир этишини назарий асосланди;
- рақобат муҳитини шакллантиришнинг босқичларини ва ривожланишининг назарий асосларини ўрганилди;
- Ўзбекистонда рақобат муҳитини шакллантиришнинг Европа иттифоқи тажрибаларидан фойдаланиш ва мамлакатимиз амалиётида қўллаш имкониятларини аниқланди;
- рақобат муҳитини такомиллаштириш ва корхоналар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Магистрлик диссертациясининг объекти сифатида,** Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ҳисобланади.

**Магистрлик диссертациясининг предмети** эса Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси

Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг рақобат муҳитини такомиллаштиришдаги муносабатлар ҳисобланади.

**Магистрлик диссертациясининг назарий ва амалий аҳамияти.** МДда эришилган илмий натижалар аҳоли рақобат муҳитини шакллантириш ва уни такомиллаштириш масалаларига бағишланган. МДдаги илмий ва амалий таклифлар корхоналар ўртасида соғлом рақобатни ташкил этиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича қарорлар қабул қилишда маҳим аҳамият касб этади.

**Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми.** МД 106 бетдан иборат бўлиб, кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Мавзунинг моҳиятини ўрганиш, уни таҳлил қилиш ва асослашда 3 та жадвал ва 12 та расмдан фойдаланилган.

**Аниқланган муаммолар.** Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган янгидан ташкил этилган корхоналарнинг рақобатбардош эмаслиги ва уни бошқарма томонидан қўллаб-қувватлаш зурурлиги, мамлакатда ёш иқтисодий соҳаларни ҳимоя қилиш ривожланиш даражаси нисбатан пастлиги, янги соҳанинг рақобатлашишга тайёргарлик даражасини аниқлаш қийин кечиши ва ҳ.к.

**Таклиф ва тавсиялар.** Экспортни қўллаб-қувватлашнинг молиявий механизмларидан кенгроқ фойдаланиш, реал сектор корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоб-китоблар узлуксизлигини таъминлаш мақсадида халқаро ҳисоб-китоблар шаклларида самарали фойдаланиш.

# **I БОБ. РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Рақобат муҳити тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти**

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт ривожланиши асосида рақобат пайдо бўлади. Шу боис, рақобат муҳити шаклланиши бозор муносабатларига ўтган ҳар бир мамлакат учун ҳаётий заруратдир, чунки соғлом рақобатга йўл бермай, иқтисодиётда рақобат муносабатларини ривожлантирмай туриб, бозор муносабатларини шакллантириб бўлмайди. И.А.Каримов "Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир"<sup>1</sup> - деб таъкидлаган. Рақобат қонуни – бозор тизимининг шундай иқтисодий қонунидирки, унга кўра иқтисодиёт субъектларининг ўз мақсадлари йўлидаги ўзаро кураши муқаррар бўлади, бу кураш бозорга хос усулларда олиб борилади ва субъектларни иқтисодий жихатдан сайланиб олишини юзага келтиради<sup>2</sup>. Шунинг учун рақобат муҳити бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади, иқтисодий ресурсларни тежамли ишлатишга, товар ва хизматларни кўплаб, сифатли ва арзон нархларда ишлаб чиқаришга, бозорда фаолият кўрсатувчиларни янгиликка интилишга ундайди ва у барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Рақобат – мустақил товар ишлаб чиқарувчи (корхона)лар ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мақеини мустаҳкамлаш учун кураш<sup>3</sup> бўлиб у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди.

Рақобат ишлаб чиқарувчилар учун бозорда ўз ўрнини эгаллаш, товарларни сотиш бўйича улушини кўпайтириш ва доимий ҳаракатда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -Тошкент. «Ўзбекистон». 7-том. 1999. 393 -б.

<sup>2</sup> А.Ўлмасов, А.Вахобов. Иқтисодиёт назарияси.Т.Шарқ. 2006 й. 20 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўз.М.Эн.Т.2006.8 ж. 265 б.

бўлишини ифодаловчи иқтисодий механизмдир. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонунида “Рақобат – хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истесно этади ёки чеклайди”<sup>4</sup> деб таъриф берилган.

Рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди. Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафтиликка эга бўлиш учун курашни англатади. Рақобат- таклиф талабдан ошиб кетганда ва бу одатдагидек, фирмалар ўртасида эмас, товарлар ўртасида юзага келган шароитда зарур ҳодиса.

**Рақобатнинг вазифаси** - бир хил талабни турлича қондириш мумкинлигидан юзага келади ва улар қуйидагилар:


- 1) тартибга солиш вазифаси;
- 2) ресурсларни жойлаштириш вазифаси;
- 3) инноватцион вазифа;
- 4) мослаштириш вазифаси;
- 5) тақсимлаш вазифаси;
- 6) назорат қилиш вазифаси.

Рақобатнинг **тартибга солиш вазифаси** ишлаб чиқаришни талаб (истеъмол)га мувофиқлаштириш мақсадида таклифга таъсир ўтказишдан иборат; ресурсларни жойлаштириш вазифаси ишлаб чиқариш омилларини улар энг кўп самара берадиган корхона, ҳудуд ва минтақаларга оқилона жойлаштиришдан; инноватцион вазифаси эса фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланувчи ҳамда бозор иқтисодиёти субъектларининг ривожланишини тақозо этувчи турли кўринишдаги янгиликларнинг жорий

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. Халқ сўзи. 2012 йил 7 январ. №5-сон.

этилишини; мослаштириш вазифаси корхона (фирма)ларнинг ички ва ташқи муҳит шароитларига ратционал тарзда мослашишига йўналтирилган; тақсимлаш вазифаси ишлаб чиқарилган неъматлар ялпи хажмининг истеъмолчилар ўртасида тақсимланишига бевосита ва билвосита таъсир ўтказди; ниҳоят, рақобатнинг назорат қилиш вазифаси бозордаги баъзи иштирокчиларнинг бошқа бир иштирокчилар устидан монополистик ҳукмронлик ўрнатишига йўл қўймасликка йўналтирилади.



**1-расм. Рақобатнинг шакллари**

**Эркин рақобат** шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда кўп сонли корхоналар мавжуд бўлиб улар тармоққа эркин кириши, уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Шунингдек, уларга бозорда маҳсулотларини сотишга ҳуқуқий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

**Соф монополияда** тармоқ битта фирмадан иборат бўлиши сабабли, у мавжуд маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва яккаҳукмронлик шаклланади.

**Монополистик рақобат** ўз ичига ҳам монополия, ҳам рақобат унсурларини олади. Бунда тармоқдаги бир турдаги маҳсулотнинг ўнлаб

ишлаб чиқарувчилари бир-бирлари билан қулай нарх ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш борасида рақобатлашадилар.

**Олигополия** – тармоқда у қадар кўп бўлмаган корхоналарнинг мавжуд бўлиши ва ҳукмронлик қилишидир. Бу олигополиянинг енг муҳим белгисидир. Қайси товарлар ва хизматлар бозорида нисбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмронлик қилса, шу тармоқ олигополистик тармоқ ҳисобланади.

Шу ўринда монополия ва монополистик фаолият назарияси бўйича тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Монополия – иқтисодийнинг бир соҳасида танҳо ҳукмронлик; бозорни ташкил этиш шакли. Бундай бозорларда ягона сотувчи ўз товари билан фаолият кўрсатади, бошқа тармоқларда бундай товарларнинг ўринбосари бўлмайди<sup>5</sup>. Монополия – монопол юқори нархларни ўрнатиш ҳамда юқори фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиқтисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналарнинг бирлашмалари бўлиб, бу шу бозорда маҳсулот ва хизматларнинг яқин ўринбосарлари бўлмаган шароитда амал қилади. Монополистик рақобат номукамал рақобат шароитида бозорда озчиликдан иборат бозор субъектлари чекланган тарзда ва хилма –хил усуллар билан юз берадиган жараёндир.

Соф монополиянинг асосий тавсифловчи белгилари қуйидагилар орқали намоён бўлади:

1. Тармоқда ягона сотувчининг мавжудлиги.
2. Яқин ўринбосар маҳсулот ва хизматларнинг мавжуд эмаслиги.

Соф монополиянинг вужудга келишининг асосий сабаби – унинг маҳсулотининг яхши ва яқин ўринбосарлари мавжуд эмаслигидир. Натижада харидор учун танлов имконияти мавжуд бўлмай, у мазкур маҳсулотни

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўз.М.Эн.Т.2006.7 ж. 77 б.

монополистдан сотиб олмаган тақдирда умуман ундан воз кечишига тўғри келади.

Агар соф рақобат шароитида ишлаб чиқарувчи мавжуд нархларга «кўникишга» мажбур бўлса, соф монополия шароитида ишлаб чиқарувчи барча таклиф хажмини белгилаб берганлиги учун нарх устидан тўлиқ назоратга эга бўлади.

Соф монополист учун рақобатчиларнинг мавжуд бўлмаслиги тармоққа кириш учун маълум иқтисодий, техник, ҳуқуқий ва бошқа турдаги тўсиқлар қўйилиши билан изоҳланади. Бу тўсиқлар қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- 1) ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши натижасидаги тежамнинг вужудга келиши.
- 2) жамоат фойдаланиши корхонаси кўринишидаги табиий монополиялар.
- 3) патент ва литцензиялар кўринишидаги ошкора тўсиқлар.
- 4) хомашёнинг муҳим турларига мулкчиликнинг ўрнатилиши.
- 5) фирром рақобат.

Олигополистик тармоқ бир хил ёки табақалашган маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Кўпчилик саноат маҳсулотлари: пўлат, мис, алюминий, кўрғошин, темир ва шу кабилар – физик маънода бир турдаги маҳсулотлар ҳисобланади ва олигополия шароитида ишлаб чиқарилади. Истеъмол товарлари: автомобиллар, ювиш воситалари, сигаретлар, маиший электр буюмлари ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар табақалашган олигополия ҳисобланади.

Олигополия шароитида корхоналар ўртасидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлади. Олигополистик тармоқда ҳеч қайси фирма ўзининг нарх сиёсатини мустақил ўзгартира олмайди.

Биз қараб чиққан рақобат шакллариининг ҳар бири миллий иқтисодиётда алоҳида-алоҳида, яъни соф ҳолда учрамайди. Иқтисодиёт соҳаларини

батафсил ўрганиш, чексиз кўп ҳар хил рақобатли вазиятлар мавжудлиги шароитида, иккита бир хил тармоқни топиш қийинлигини кўрсатади.

Ҳозирда турли даражадаги монополистик тузилмалар ривожланиб бориши билан улар ўртасидаги рақобатнинг шакллари ҳам турли кўринишларда намоён бўлиб бормоқда. Жумладан, турли монополлашув даражасидаги тузилмалар ўртасида мавжуд бўлишига кўра қуйидаги рақобат турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) монополлашмаган корхоналар ўртасидаги рақобат;
- 2) монополиялар ҳамда монополистик бирлашмаларга кирмаган ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат;
- 3) турли монополиялар ўртасидаги рақобат;
- 4) монополистик бирлашмалар ўзининг ичидаги рақобат.

Рақобат ўз миқёсига кўра икки турга – тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатга бўлинади.

**Тармоқлар ичидаги рақобат** ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, кўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради.

**Тармоқлараро рақобат** турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқларга капиталларнинг оқиб ўтишига сабаб бўлади. Янги капиталлар кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклиф кўпайишига олиб келади. Бунда нархлар ва шунга мос ҳолда фойда нормасига пасая бошлайди. Кам фойда келтирувчи тармоқлардан капиталнинг чиқиб кетиши тескари натижага олиб келади: бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради, товарларга бўлган талаб улар таклиф қилишидан ошиб кетади, бунинг оқибатида нархлар кўтарилади, шу билан бирга фойда нормаси ошади. Натижада тармоқлараро рақобат объектив равишда қандайдир динамик мувозанатни келтириб чиқаради. Бу мувозанат капитал қаерга сарфланганлигидан қатъий назар, тенг капитал учун тенг

фойда олинишига интилишни таъминлайди. Демак, тармоқлараро рақобат капитал қайси тармоққа киритилмасин, худди шу тармоқ фойда нормаларини ўртача фойда нормасига «бараварлаштиради».

Шунингдек, иқтисодий адабиётларда фирром ва ҳалол рақобатлашув усуллари ҳам ажратиб кўрсатилади. Фирром рақобат ноиқтисодий усулларида фойдаланиш, конун доирасидан чиққан ҳолда амал қиладиган рақобат. Ҳалол рақобат – рақобат курашида жамият томонидан тан олинган, иқтисодий усулларни қўллаш, ўзининг мақсад ва манфаатларига эришишда умумжамят манфаатларига зид келувчи ҳолатларни қўлламаслик каби қоидаларга асосланади.

Рақобат курашининг икки усули нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат мавжуд.

**Нарх воситасида** рақобатлашувда курашнинг асосий усули бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархини бошқа ишлаб чиқарувчиларининг шундай маҳсулотлари нархига нисбатан пасайтириши ҳисобланади. Нарх рақобат курашининг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар ўз рақибларини енгиш учун нархни пасайтириш усулидан фойдаланишлари мумкин. Демак, нархни ўзгартириб туриш усули рақобатда кенг қўлланилади.

**Нархсиз рақобат** шу билан тавсифланадики, бунда рақобат курашининг асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сервис хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи фирманинг обрў-этибори ҳисобланади. Бу ҳозирги глобал иқтисодиёт шароитида амал қилмоқда ва унинг назарий ва илмий асослари кенгайиб турли шаклларда намоён бўлмоқда.

Нархсиз рақобат усуллари юзага чиқиши маркетинг орқали ҳал этади, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини талабга мослаштирувчи тадбирлар тизимидан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида талабни яхши ўрганган ва истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондира оладиган корхоналар ҳар доим рақобат курашида ютиб чиқади.

Йирик ишлаб чиқарувчилар бозордаги вазиятни ўзгартириш учун ўзларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни камайтириб товар таклифини қисқартирадилар. Шу сабабли иқтисодий бекарорлик даврларида ҳам нарх барқорлигича қолаверади.

Рақобатнинг асосий қуроли- талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш. Харидор бирон-бир товарга устунлик бериши зарур, шунинг учун ўз танловига амалда ишонч ҳосил қилиши лозим. Зарур ахборот ишлаб чиқарувчидан реклама орқали олади.

Харидор ёки бу буюмнинг фойдалилиги, яъни истеъмол қиймати кизиқтиради. Харидор истеъмол қийматига ишонч ҳосил қилиши учун товарни ишлатиб кўриши лозим, кўпинча бунинг учун «синаб кўришга» берилади.

Рақобатчиларнинг ноқонуний усули-товарни ўзлаштириш, анча паст сифатли ўхшаш маҳсулот чиқариш.

Агар ўз рақиблар имкониятини ва бозор вазиятини ўзлаштиришга таъсир этишга хос бўлган усулини билмасанг, рақобатда муваффақиятга кўз тутиш мумкин эмас.

Монопол ҳукмронликни чеклаб туришда монополияга қарши қонунчиликнинг ўрни, жумладан, табиий монополиялар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниши масалалари муҳим ҳисобланиб Ўзбекистон Республикасида монополияга қарши қонунчиликда бу масалага алоҳида этибор қаратилади.

Товар ҳўжалиги эндиgina ривожланаётган пайтда рақобатчилик иқтисодий ҳаётда муҳим роль ўйнамаган. Чунки у жамиятда ноиқтисодий чеклашлар, рақобат учун ёпиқ сохалар бўлган эди. Рақобатнинг амал қилиши учун маълум шарт –шароитлар муҳайё бўлишини талаб этади. Рақобат фақат бозор иқтисодиёти муҳитидаgina бўлиши мумкун. Чунки шундаgina у зарурият бўлади. Бозор тизими учунgina рақобат объектив зарурият бўлади. Бозор иқтисодиётининг вужудга келиши билан айна бир вақтда рақобат шаклланади.

Рақобат ва унинг назариясига дунёдаги кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилиб унинг илмий назарий асослари яратилиб такомиллаштирилиб келинмоқда.

Рақобат назарияси асосчиларидан М.Портер кўпроқ иқтисодий кластер тушунчасининг оммалаштирувчиси сифатида маълум бўлиб, компаниянинг рақобатбардошлиги, кўп жихатдан, унинг иқтисодий муҳити билан боғлиқлигини кўрсатиб берган. Иқтисодий муҳит эса, ўз навбатида асосий шароитлар (умумий ресурс) ва кластер ичидаги рақобат билан белгиланишини асослаган. М.Портер рақобатбардошликни таҳлил қилишнинг тан олинган услубини ишлаб чиқди, шунингдек, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги (арзон меҳнат каби “бирламчи омиллар” босқичидан тортиб, инновация асосидаги рақобат ва сўнгги босқич – бойлик асосидаги рақобатгача) ўсиши босқичларини баён қилиб берди. М.Портернинг фикрига кўра, мамлакат ичида рақобат қанчалик ривожланган ва ҳаридорларнинг талаблари юқори бўлса, бу мамлакат компанияларининг ҳалқаро бозордаги муваффақиятга эришиш эҳтимоли шунча юқори бўлади ва аксинча, миллий бозордаги рақобатнинг кучсизланиши, қоидага кўра, рақобатбардош афзалликларининг йўқотилишига олиб келади деган назарияларни илгари сурмоқда.

Назарий жихатдан А.Смит бозордаги “кўринмас қўл” деб таърифлаган рақобат, хусусий ва ижтимоий эҳтиёжларни мувофиқлаштириш ҳамда меҳнат ва капитални оптимал тақсимланиши мақсадида фойда нормаларини тенглаштириш омили сифатида қаралишини ўзининг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқоти”да асослаган. Унинг тарифи бўйича фойда кетидан қувиш ва рақобат бутун жамиятга наф келтирувчи фаолият деб қараган.

Пиер Буагелберг эса товарлар бозорида ҳақиқий қийматга эга бўлиш ва иқтисодиёт фақат “эркин рақобат” шаоитидагина муътадил бўлишини асослаб берган. Олимнинг асосий асари шу ғоя билан боғлиқ бўлиб унинг “бозордаги нархларни муътадиллиги ёки оптимал баҳолар”ини

таъминлашнинг муҳим шарти сифатида рақобат эркинлигининг стихиялик равишда таркиб топиши билан боғлиқлигини кўрсатиб берган.

Ф.Кене эса "Табиий тартиб" концепциясини илгари суриб, ўз даврида пайдо бўлаётган, мустахкамланаётган капитализм концепциясини мақуллаб бундай шароитда унинг ривожланиб боришини "эркин рақобат"га асосланишини, бунда эса бозор баҳосининг стихияли ўзгариши, давлатнинг бу жараёнга аралашувини инкор этилишини қўллаб-қувватлади.

Юқоридаги назарий қарашлар бозор муносабатлари шароитини эркин рақобатга асослаган ҳолда уни ривожланиб боришини таъминловчи восита эканлигини тасдиқлаб берди.

Бозор иқтисодиётининг шаклланидаги классик йўл Ғарб мамлакатларида бўлиб, у ерда рақобат муҳити узоқ йиллар мобойнида, давлатнинг иштирокисиз, ўз-ўзидан яъни стихияли равишда юз берган. Шу йўсинда эркин рақобат пайдо бўлган. Бироқ иқтисодиётда монополашув тенденциялари пайдо бўлиши билан эркин рақобат чекланди, шу сабабли соғлом рақобат муҳитини яратишда давлат ҳам қатнашади. Сабаби рақобатлашув муҳити А.Смит ва бошқа олимларининг назариясига асосан мамлакатда эркин рақобат муҳити пайдо бўлгандагина бозор иқтисодиёти шаклланади ва ривожланади. Буни давлатнинг антимонопол сиёсатида кўришимиз мумкин. Бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратишга эмас, балки уни сақлаб қолишга, кези келганда қайтадан тиклашга, рақобатнинг маданийлашган усуллари қарор топтиришга қаратилади. Давлатнинг хусусий монополияларни чеклашга қаратилган тадбирлари 1890 йилда АҚШда қабул қилинган "Шерман қонуни" бўлиб, у тарихда "антитрест" қонуни деб ном олган.

Монополия ҳолати тармоқдаги ишлаб чиқаришнинг аҳамиятли қисмини эгаллаб олиш, бозорларни бўлиб олиш ва нарх даражаси тўғрисида яширин ва ошқора келишувлар, сунъий тақчилликларни вужудга келтириш ва бошқа шарт-шароитлар асосида вужудга келиши мумкин. Шунга кўра, АҚШ ва Европанинг ривожланган мамлакатларида монополиянинг салбий

кучларига маълум чекловлар киритишга қаратилган ҳаракатлари XIX аср охирларида авж ола бошлади.

Нисбатан мукаммал монополияга қарши қонунчилик сифатида АҚШ қонунчилигини кўрсатиш мумкин бўлиб, у 3та асосий қонундан иборат:

1. **Шерман қонуни** (1890 й.). Бу қонун орқали савдони яширин монополлаштириш, у ёки бу тармоқда якка назоратни қўлга киритиш, нарх бўйича келишувлар тақиқланади.

2. **Клейтон қонуни** (1914 й.). Бу қонун сотиш соҳасидаги маълум чеклашларни, нарх бўйича камситиш, маълум кўринишдаги бирлашувлар, ўзаро боғлиқ директоратларни тақиқлайди.

3. **Робинсон-Петмен қонуни** (1936 й.). Савдо соҳасидаги чекловларни, «нархлар қайчиси», нарх бўйича камситишларни тақиқлайди.

1950 йилда Клейтон қонунига **Селлер-КефOVER тузатиши** киритилди: ноқонуний бирлашиш тушунчаси аниқлаб берилди. Масалан, активларни сотиб олиш йўли билан бирлашиш тақиқланди. Агар Клейтон қонуни орқали йирик фирмаларнинг горизонтал бирлашмаларига чекловлар белгиланган бўлса, Селлер-КефOVER тузатиши вертикал бирлашувларга чек қўйди.

Монополияга қарши қонунчиликни амалга оширувчи давлат идоралари 2та ёндошишга асосланиши мумкин: - қонун талабларига қатъий амал қилган ҳолда, «оқилона ёндашув» принципи орқали. Масалан, Шерман қонуни талабига кўра, ҳар қандай иккита шерикнинг биргаликда иш юритиш борасидаги ҳаракатини қонунчилик томонидан таъқиб этилиши мумкин. «Оқилона ёндошув» орқали эса фақат савдонинг оқилона бўлмаган чекловлари таъқиб қилиниши мумкин.

Монополияга қарши қонунчиликни амалга ошириш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Давлат монополия ҳолатини чеклаш орқали айни пайтда рақобатга ҳам путур етказиб қўймаслиги лозим.

Шуниси ҳам муҳимки, трестга қарши қонунчилик йирик корпоратсияларга қарши қаратилмаган. Чунки корхоналарнинг миқёси ҳали уларни монополия сифатида талқин этиш учун асос бўла олмайди.

Монополияга қарши тартибга солиш самарали рақобатга путур етказувчи, чекловчи амалиётга қарши йўналтирилган.

Монополияга қарши қонунлари асосан қуйидаги 3 йўналиш бўйича шаклланган:

1. Ишлаб чиқариш тизимини бошқарувчи қонунлар ёки улар моддаларини аниқ белгилаш. Бунга кўра ишлаб чиқарувчи корхоналар бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ярмидан ортиғини назорат қилишини таъқиқлайди.

2. Барча йирик корхоналар иштирокчилари бошқа корхоналарни акцияларини чекланган миқдоридан ортиғига эга бўла олмайди.

3. Нархларни талаб ва таклиф мувозанати белгиланган даражадан юқори ёки паст тутиб туришини, нарх хусусида келишиб олиншини ман қилувчи антикортел қонунларни жорий этиш. Картель деганда монополиялар ўртасидаги бозорларни бўлиб олиш ва у ердаги нархларни келишиб олиш юзасидан тузилган қисқа муддатли иттифоқлар тушунилади. Масалан бир тармоқда устун мавкега эга бўлган монопол 3-4 та субъектлар бозорни таъсир доирасини бўлиб олиб нарх-наво ҳақида келишиб оладилар. Нарх ҳамма ерда бир хил бўлади. Агар келишувлардан бирортаси битимни бузса, яъни ўз товарларини ўзининг таъсир доирасидан бўлган бозорларда паст нархларда сотса уни бошқа истеъмолчилар ҳам келиб сотиб ола бошлайдилар. Бу эса корхонанинг янада фойда тушумларини ошириш имконини беради. Бу бошқа корхоналар маҳсулотларининг талабини паслашига олиб келади. Бу ҳолда картел битимини бузган корхонага шартномада белгиланган тартибда чора кўрилади. Шу сабабли картел қатнашчилари шартномага қаттиқ риоя этадилар. Бироқ бунда истеъмолчилар зарар кўрадилар.

Бозорда конюктура тез ўзгариб туради, уни ҳисобга олиш қийин жараён бўлганлиги сабабли монополияга қарши чекловларнинг шартлари ҳам тез ўзгариб туради. Рақобатни чеклаш борасида аниқ аҳвол, бу қонунларни кенг талқин қилишга тўғри келади. Бу айниқса антикартел қонунларига

таълуқлидир. Бу ерда қонун ва давлат қарорларининг талаблари картелларни таъқиқлаб қўйишдан бошлаб, то маълум муддатга уларга рухсат беришгача бўлган талабни ўз ичига олади.

Монополияга қарши қонунларни қабул қилиш ва ҳаётга тадбиқ этиш бозор муносабатларига ўтаётган ва шаклланган давлатлар учун ҳаётий заруриятдир. Чунки эркин рақобатгина бозорни ривожланишига асос бўла олади.

Японияда монополияга қарши қонунларининг амал қилиши бунинг яққол мисоли бўлиши мумкун. Мамлакатда 2 жаҳон уришидан кейин монополиялар тўғрисидаги қонуннинг бажарилишини назорат қилувчи адолатли битимлар қўмитаси тузилган бўлиб, у кенг ваколатга эга ва мустақилликка эга. Қўмита томонидан қайд қилинган ва суд томонидан тасдиқланган қонунбузарчилик молиявий жазоланади ва катта зиён кўришлари мумкун.

Рақобат давлатнинг фаолиятисиз ўз ўзидан пайдо бўлмайди. Мамлакатимизда бозорга ўтишнинг илк кунларидан бошлаб бу борадаги қонунчилик такомиллаштирилиб келинмоқда. Хар қандай бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида нархсиз рақобат устиворликка чиқади. Чунки халқ хўжалигининг барча тармоқлари, айниқса товарлар бозори кескин равишда тўйинган бўлади ва унда соғлом рақобатни амал қилиши табиий ҳолга айланади.

Мамлакатимизда мустақиллика эриш жараёнида эркин иқтисодиётга ўтиши муносабати билан рақобатни тамомила янгидан вужудга келтириш зарурияти келиб чиқди. Чунки олдинги режали иқтисодиёт буни том маънода чеклашга ҳаракат қилган. Корхоналарнинг бозорларда эркин ҳаракати давлат томонидан қаттиқ таъқиқланган. Умуман рақобат мухитини юзага келишига давлат томонидан чекловлар ўрнатилган. Бироқ рақобатнинг айрим аломатлари мавжуд бўлган. Бунга яширин тадбиркорлик фаолиятлари мисол бўла олади.

Рақобат бозор иқтисодиётининг тартибга солувчи куч бўлиб хизмат қилади. Рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда маркетинг концепциясида рақибларга, уни танлашга катта эътибор қаратилган.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги рақобат иқтисодий рақобат бўлиб, у иқтисодий жараёнлардагина юз бериши бизга маълум. Ундаги асосий мақсад бозор иштирокчиларининг эркин фаолияти шароитини яратиш, ҳар бир иштирокчи ўз ҳаракати учун зарур муҳит ва ҳолатни таъминлаш билан боғлиқ бўлган курашдан иборатдир. Ҳар бир бозор иштирокчисининг керакли ишларини бошқаларникига нисбатан муваффақиятли ҳал этиши, бунинг учун зарур шароитларини олдиндан ва ўз вақтида ярата олиши, доимий устунликка эга бўлиши кабилар рақобат курашининг мазмунини ташкил этди.

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш даврида ҳукумат томонидан иқтисодиётда рақобат муҳитини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жаҳондаги барча ривожланган давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсати амалга оширилди. Мустақилликнинг илк йилларидан Ўзбекистонда монополияга қарши ва рақобат сиёсатининг ҳуқуқий-меъёрий базасини яратиш вазифаси белгилаб олинди. Бу борадаги биринчи меъёрий ҳужжат бўлиб 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва монополияга қарши амалиёт соҳасидаги аҳамиятли ўзгаришлар тегишли қонунчилик базасини янада такомиллаштиришни тақозо этди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 27 декабрда «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун монополистик фаолият ва ғирром рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб бериб, республиканинг товар

бозорларида рақобат муносабатларини шакллантириш ва самарали амал қилишга қаратилган.

Шунингдек, қонунда асосан иккита муҳим йўналиш, яъни биринчидан, монополияга қарши тарибга солишнинг принципиал янги кўриниши бўлиб, у мавжуд ва сақланиб қолган монополистлар томонидан бозорда ҳукмронлик мавқеини суистеъмол қилишнинг олдини олиш ва унга барҳам беришни кўзда тутса, иккинчидан, энг асосий муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланган монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш эканлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун монополияларнинг амал қилишни тақиқламай, балки бозорда унинг ҳукмронлиги оқибатида келиб чиқувчи салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган. Қонунда кўзда тutilган тақиқлар ҳам ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари учун, ҳам Ўзбекистон ва бошқа ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари учун хос бўлган монополистлар ҳатти-ҳаракатига қарши ўрнатилган.

Қуйидаги ҳатти-ҳаракатлар монополияга қарши қонунчиликка зид ҳисобланади:

- хўжалик юритувчи субъект томонидан бозордаги устунлик ҳолатининг суистеъмол қилиниши;
- хўжалик субъектларининг рақобатни чеклашга қаратилган битимлари (ўзаро келишилган ҳатти-ҳаракатлари);
- бошқарув барча даражаларидаги ҳокимият органларининг рақобатни чеклашга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлари;
- ноҳалол рақобат.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуни халқаро аналоглар асосида тузилган, бироқ, бу қонун амалга оширилаётган, муҳит ривожланган мамлакатлар шароитидан тубдан фарқ қилиб, унинг бажарилишига таъсир кўрсатади.

Қонунга кўра бозор улуши 65%дан юқори бўлган корхоналар устун мавқега эга ҳисобланадилар. Бозор улушдаги устунликнинг 35-65% даражаси бозорнинг барқарорлиги, рақобатчиларнинг нисбатан улуши, тармоққа киришда тўсиқларнинг мавжудлиги ва бошқа шу каби қўшимча омилларни таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Таққослама таҳлил шуни кўрсатадики, корхонани устун мавқега эга деб ҳисобланиши учун бозор улушининг «эталон» ҳажми мавжуд бўлмай, ҳар бир мамлакат уни ўз мезонига кўра аниқлайди. Масалан, бу улуш Полша ва Чехияда – 40%, Венгрияда – 25-30%, Россияда – 35-65%, АҚШда – 70%, Канадада – 35%, Европа Иттифоқида – 40-50%. АҚШ, Канада, Европа Иттифоқи ва бошқа қатор мамлакатлар қонунда бозор улушлари кўрсатилмаган, устунлик еса претседент ҳуқуқ асосида аниқланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, ҳуқуқий шахсларнинг бирлашмалари (уюшмалар, асосиациялар, концернлар ва ҳ.к.) учун асосиациялашган субъектларнинг хўжалик фаолиятига аралашуви тақиқланади. Бироқ, амалда ташкил этилган бирлашмалар, одатда илгари амал қилган тармоқ вазирликларининг давомчилари бўлиб, ҳозирги вақтда уларга хом ашё ресурсларини, марказлаштирилган капитал қўйилмаларни тақсимлаш, маҳсулотларни сотиш ва бошқа вазифаларнинг юклатилиши кўпинча рақобат муҳитининг ривожланишини секинлаштириб қолмай, балки уларнинг яратилишига тўсқинлик ҳам қилмоқда. Уларнинг амал қилиши кичик ва ўрта бизнеснинг хомашё ресурсларига, валюта маблағларига бўлган имкониятини чеклаш орқали тўсиқлар қўйиши жиддий салбий ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган монополияга қарши сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири – бу монополист-корхоналарнинг товар бозоридаги эгаллаб турган устунлик мавқеини суистеъмол қилишининг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик бўйича назорат олиб боришдан иборатдир. Айнан шу мақсадда монополист-корхоналар Давлат реестри юритилади. Ушбу реестрларга маълум бир товар бозорида 65 фоиздан ортиқ улушга эга бўлган корхоналар киритилади. Реестрга олинган хўжалик

юритувчи субъектлар ўз маҳсулотларининг нарх (тариф)лари ёки рентабеллик даражаларини Молия вазирлигида ёки жойлардаги молия органларида декларатсиядан ўтказишлари шарт.

Дастлаб монополист-корхоналар давлат реестрида фақат алоҳида хўжалик юритувчи субъект бозордаги товарларнинг улуши миқдорий кўрсаткичи бўйича монополист корхоналар таркибига киритилар эди. Бу ўринда бозорнинг сифат жиҳатидан таркиби, хусусан, рақобат муҳитини ярата олишга лаёқатли бўлган ўрнини босувчи маҳсулотларнинг мавжудлиги ҳисобга олинмай, бундай ёндошувни тўғри деб ҳисоблаш мумкин эмас эди. Шунга кўра, қонунда товар бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг мезонларини янада аниқроқ белгилаб, уларни монополистлар тоифасига киритишда ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичларидан фойдаланиш зарур эди.

Кейинги йилларда Давлат реестрини юритиш услубиётини такомиллаштириб бориш, кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиши, чет эл инвестицияларининг кириб келиши натижасида барпо этилаётган корхоналар салмоғининг ошиши ва бошқа омиллар таъсирида кўпгина монополист корхонанинг товар бозорларидаги улушининг камайиши муносабати билан давлат реестридан чиқарилмоқда. Яъни 2000 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда монополь корхоналар 4 бараварга, бундай турдаги маҳсулот ва хизматлар сони 12 бараварга камайди. Айтиш жоизки, монополь маҳсулот ва хизматларнинг республика ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,2 фоизга пасайди.

Монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Монополияга қарши ишларни тартибга солиш

ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги 2010 йил 26 февраль, ПФ-4191-сон қарорига муфик Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси” этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 мартдаги ПҚ-1293-сонли “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси” фаолияти қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги „Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида“ги қонуни бир қатор қонуности меъёрий ҳужжатлари мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига етарли даражада мувофиқ эмаслигини Президентимиз “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” концепциясида таъкидлаган эди. Қонун молиявий хизматлар бозорларидаги рақобатни тартибга солиш масалаларини ўз ичига олмаган, бу эса мазкур соҳада рақобатга қарши ва рақобатни чекловчи ҳаракатларга йўл қўймаслик юзасидан чораларни амалга оширишга имкон бермас эди.

Шунингдек қонунда “бозор”, “бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар”, “инсофсиз рақобат”, “камситувчи шартлар”, “нотўғри таққослаш”, “монополь юқори нархлар”, “монополь паст нархлар”, “шахслар гуруҳи”, “устун мавқе” каби асосий тавсифларнинг бир-биридан аниқ ажратиш ва тоифалаш тартиби мавжуд эмас эди.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги янги қонун ишлаб чиқилди ва сенат томонидан 2011 йил 5 декабрда маъқулланди. Ушбу

қонуннинг мақсади товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Янги қонун рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитларни, товарларнинг эркин айланишини, иқтисодий фаолиятнинг эркинлигини таъминлаб бериш, бу эса рақобат ривожланишининг ҳамда унинг товар ва хизматлар бозорларида ҳимоя қилинишининг энг асосий жиҳати бўлиб хизмат қилиши назарда тутилган. Қонун бозорга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг кириб келишида ва улар ўртасида соғлом рақобатни таъминлашда асосий воситадир.

Ислохотларнинг кейинги босқичида хусусий секторни ривожлантириш, корхоналар фаолиятини табиий монополиядан ҳимоя қилишни кучайтириш, банкротликка тушган корхона ва монопол ташкилотларни қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, рақобатни рағбатлантириш, рақобатни ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватловчи бозор тизими учун шароит яратиш, қолаверса, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш ишлари амалга оширилди. Бунда Президентимизнинг 2005 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ҳуқуқий асос сифатида олиниб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилди.

Президентимизнинг 2010 йил 26 февралдаги “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига айлантирилди.

Юқоридаги қонунчиликка асосан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вазифаси қўмита ваколатидан соқит қилинди. Бу вазифанинг давлат органи зиммасидан олиниб, нодавлат ташкилотига берилди.

Бу-тадбиркорлик фаолияти жараёнида эркин иштирок этиши учун кафолат ва шароит яратишга ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилибгина қолмай бевосита рақобатни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилиб келинаётган қонунчиликни такомиллашиб бориши товарлар бозорида рақобат ва унинг ривожланишини асосий омили сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Соғлом рақобат- бозор ислохотларининг муҳим талабидир. Шунининг алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида давлат томонидан самарали рақобат сиёсати амалга оширилиши натижасида товар ва хизматлар бозорларининг монополлашиш даражаси сезиларли равишда пасайди. Хусусан, сўнгги ўн йил мобайнида монопол корхоналар сони 75,2 фоизга, шу жумладан, 2004 - 2010 йилларнинг ўзида монопол товарларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши 26 фоиздан 19,2 фоизга камайди. Бу эса рақобатни янада ривожлантиришга кенг имконият яратиб берилганлиги ҳамда товар ва хизматлар бозорларида устун мавқени эгаллаб турган корхоналар сони сезиларли даражада қисқарганлигидан далолатдир.

Ўз навбатида, республикаимиз иқтисодиётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар монополияга қарши қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунки 1996 йилда қабул қилинган “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни молиявий хизматлар

бозорларидаги рақобатни тартибга солиш масалаларини ўз ичига олмаган. Бу эса мазкур соҳада рақобатга қарши ва рақобатни чекловчи ҳаракатларга йўл қўймаслик юзасидан чораларни амалга оширишга имкон бермасди. Айнан шундай ҳолатлар савдоларни (тендерларни) тартибга солиш ва биржа савдолари соҳасида ҳам кузатилмоқда. Шу боис бу жараёнларда монополияга қарши органга тегишли ваколатларни бериш айтилган муддаодир.

Айтилган чоғда рақобатга оид қонун ҳужжатларида “бозор”, “бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар”, “инсофсиз рақобат”, “камситувчи шартлар”, “нотўғри таққослаш”, “товарнинг монополь юқори нархи”, “товарнинг монополь паст нархи”, “шахслар гуруҳи”, “устун мавқеи” каби асосий тушунчаларни бир-биридан аниқ ажратиш ва таърифлашга катта эҳтиёж бор эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кутилаётган “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Шу маънода, ушбу қонун рақобат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Қолаверса, мазкур қонун соҳадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини аниқлаштириш, товар ва молия бозорларида монополистик фаолиятнинг олдини олиш ҳамда тўхтатиш бўйича ҳуқуқий воситаларни янгилашга йўналтирилган.

Қонуннинг асосий жиҳатларидан бири монополияга қарши тартибга солишнинг молиявий хизматлар бозорига нисбатан ҳам татбиқ этилиши ҳамда ушбу бозорлар субъектлари фаолиятини тартибга солиш мезонларини белгилашдир. Айтилган пайтда танлов (тендер) савдоларида монополияга қарши тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш, савдо жараёнларида ошкоралик, очиқлик, соғлом рақобат шартларини таъминлаш мақсадида савдолар (тендерлар) ва биржа савдоларига оид монополияга қарши талабларни тартибга солиш белгиланмоқда.

Шунингдек, юқори ликвидли, жумладан, товар бозорида устун мавқега эга корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг биржа савдолари ривожланиши билан монопол юқори нарх тавсифига ёндашув ҳам ўзгарди. Қонунда биржа савдолари натижасида вужудга келган нарх монопол юқори нарх ҳисобланмаслиги назарда тутилган.

Қонунда шахс ёки шахслар гуруҳининг устунлик даражасини ошишига олиб келувчи юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш, бирлаштириш, акцияларни, мулкӣ ҳуқуқларни сотиб олиш ва бошқа битимларни (ҳаракатларни) тартибга солиш белгиланган. Айни чоғда инвестициявий воситачилар сифатидаги қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган акцияларни сотиб олиш бўйича битимлар тузилиши ҳамда акция ва улушларни ишончли бошқарувга топшириш юзасидан назоратни олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилди. Чунки мазкур бозор қатнашчилари рақобат ривожланишига таъсир кўрсатмайди.

“Рақобат тўғрисида”ги қонун соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг очиқ-ошкоралигини, самарадорлигини оширади, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитларни, товарларнинг эркин айланишини, иқтисодий фаолиятнинг мустақиллигини таъминлаб беради. Зотан, бу рақобат ривожланишининг энг асосий жиҳатларидан биридир.

Қонун 7 та боб ва 40 моддадан иборат. 1-боб ўз ичига 9 та моддани олган бўлиб унда қонининг мақсади, қонунчилик ҳужатлари, қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар шарҳи, устун мавқе, товарнинг монопол юқори нархи, товарнинг монопол паст нархи, товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги ваколатли органлар фаолияти белгилаб берилган.

Қонуннинг 2-бобида рақобатга қарши ҳаракатлар ва уларнинг қонунчилик меъёрлари белгилаб берилган. Бунда устун мавқени суистеъмол қилиш ҳолатлари ва уларнинг тартиби, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини

тақиқлаш шартлари, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатларини тартибга солиниши, инсофсиз рақобатни тақиқлашнинг асослари белгилаб берилган.

Қонуннинг 3-боби эса савдоларни ва иқтисодий концентрацияни монополияга қарши тарзда тартибга солиш фаолиятлари тартибга солинган бўлиб, бунда асосан молия бозоридаги манаполистик фаолиятларни ва улар бўйича йўриқномалар белгиланган. Эски қонунда бу моддалар бўлмаган. Айниқса биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар белгиланган бўлиб, бунда биржа савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар тартиботи белгилаб берилган.

Қонуннинг 4-бобида Монополияга қарши органнинг ваколатлари, субъектлардан ахборот олиш ҳуқуқи, монополияга қарши органга ахборот тақдим этиш шартлари ва тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини ташкил этувчи маълумотларнинг монополияга қарши орган томонидан ошкор этилишини тақиқлаш бўйича амалга ошириладиган фаолиятлар тартибга солинган. Бу эса монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва орган фаолиятини янада самарали ишлаш механизмини янада такомиллаштиришга олиб келади.

Қонуннинг 5-боби “Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш “ деб номланиб, бунда Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатлари, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар ва уларнинг меъёрлари, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар солиш тартиботини белгилаб берган.

6-бобда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва қўриб чиқиш. Монополияга қарши органнинг қарори ва кўрсатмасини ижро этиш ҳамда бундай қарор ва кўрсатма устидан шикоят бериш тартиби белгиланган.

## 1.2. Ўзбекистонда рақобат муҳити ва уни шакллантиришнинг методологик асослари

Иқтисодиётга оид адабиётларда “рақобат” ва “муҳит” категорияларининг алоҳида мазмун моҳиятини очиб берувчи таърифлар мавжуд. “Рақобат” тушунчасини жуда кўплаб манбаълардаги талқинлари бир бирига жуда яқин, яъни-бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ёки хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги кураш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мусобақалашуви, бозор субъектларини иқтисодий манфаатларининг тўқнашуви.

“Рақобат-муҳити” иборасининг иккинчи қисми “муҳит” сўзи - (арабчада – ўраб олинган, ихота этилган) ҳаёт, фаолият кечадиган табиий ёки ижтимоий шароитлар мажмуи.<sup>6</sup> Рус тилида эса “муҳит – атрофдаги шарт-шароит, ҳолат, ушбу шароитлар билан ўзаро боғлаган субъектлар йиғиндиси”<sup>7</sup>. Д.Х.Суюнов фикрича “Рақобат муҳити” – қонуний даромад олиш мақсадида кўзланган фаолият юритишга имконият берувчи ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар мажмуиди учун курашдир”<sup>8</sup>. Рақобат-муҳити – бизнес тузилма таъсир доирасида бўлмаган қонуний даромад олиш мақсадлари кўзланган фаолиятни юритишга имконият берувчи ижтимоий – иқтисодий, ҳуқуқий шароитлар ва муносабатлар мажмуидир<sup>9</sup>.

Кўплаб адабиётларда “Рақобат муҳити” тушунчасини “бизнес муҳити” тушунчалари билан фарқли равишда талқин этилади. Бироқ рақобат муҳитининг асл моҳияти тадбиркорлик фаолиятини эркинликларини кафолатловчи ва унга мос муҳит яратиш механизмларини ўзида ифода этади. Шунингдек, **рақобат муҳити** дейилганда бозор субъектлари, айниқса тадбиркорлик субъектларининг бозордаги иштирокини тенг ҳуқуқийлигини таъминланганлиги, иқтисодий эркинликнинг мавжудлиги, уларнинг бозор фаолиятига турли маъмурий давлат идораларининг аралашуви бир томонлама ҳаракатга эга эканлиги ва шунга мувофиқ қонунлар ва меъёрий

<sup>6</sup> Ўзбек тилининг изохли луғати.-+Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 663-664-б.

<sup>7</sup> Бағудина Е.Г. Экономический словарь. Проспект, 2004. С-624

<sup>8</sup> Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография.-Т.: Академия, 2007.-320-б


<sup>9</sup> Р.Умаров. Барқарор бизнес-муҳитни таъминловчи иқтисодий тизим. Иқтисодиёт ва таълим. 2012 йил 4-сон, 7-б.

хужжатларнинг яратилганлиги ва улар амал қилинаётган ҳолатлар тушунилади.

Бизнинг фикримизча **“Рақобат муҳити”** - дейилганда, бизнеснинг барча турлари билан шуғулланувчи субъектларга ўз фойдасини кўпайтиришга қаратилган ва фаолиятига мос-мувофиқ келадиган шарт-шароитлар яратилган эркин фаолиятни таъминлайдиган ҳолатнинг мавжудлиги тушунилади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб Фикримизча **“Рақобат муҳити”**, **“тадбиркорлик муҳити”**, **“ишбилармонлик муҳити”** ва **“бизнес муҳити”** тушунчаларининг мазмун ва моҳияти бир – бирига яқин ва барчаси мазмунан бир-бирини тўлдиради.

Рақобат муҳити, тадбиркорлик фаолияти ривожланишида асосий роль ўйнайдиган омиллар мажмуидир. Тадбиркорлик субъектлари уларнинг барча фаолият доираларига таъсир кўрсатувчи маълум бир муҳитда фаолият юритадилар. Рақобат муҳити иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий, технологик имкониятлар, географик жойлашув, экологик вазият, шунингдек, институционал ва информацион тизимларнинг мавжуд жорий ҳолатлари билан тавсифланади. Шу боисдан, жамиятда тадбиркорлик соҳаси доимий ривожланиб боришини таъминлаш мақсадида, давлат томонидан юқорида келтирилган омилларнинг соҳа ривожига ижобий таъсирини таъминлашга қаратилган чораларни мунтазам амалга ошириб бориш лозим.

Рақобат муҳитининг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, уни давлатнинг қонунчилик сиёсатини такомиллаштириш ва бозор муносабатларини ривожлантириш орқалигина шакллантириш мумкин (2-расм).



**2-расм. Рақобат муҳитини шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва институтлар<sup>10</sup>**

Шу боисдан, мамлакат ва ҳудудлардаги Рақобат муҳитини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиб, унинг ташкилий омилларини ўрганган ҳолда тадбиркорлик фаолияти ривожланишига хизмат қилувчи имкониятларини ишлаб чиқиш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги (2010 йил 27 январ) маърузасида Олий мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жихозлаш, банк – молия тизимини ривожлантиришнинг норматив - ҳуқуқий жаҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллаганлигини таъкидлаб ўтилди.<sup>11</sup> Мамлакатимизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало,

<sup>10</sup> Муаллиф ишланмаси

<sup>11</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Т.: Ўзбекистон, 1999, 34-бет.

кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатларини бутун бир мажмуаси қабул қилинди.

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини кўрсатиб, «Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат – бозорнинг асосий шarti, айтиш мумкинки, унинг қонунидир», деб таъкидлайди.<sup>1</sup>

Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади<sup>12</sup>.

Бозор тизими жамиятнинг юқори эҳтиёжли товарлар билан таъминланишига ҳам кафолат бермайди. Рақобатнинг кучсизланиб бориши истеъмолчининг эркинлигига ҳам путур етказади.

Рақобатнинг амал қилиши маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлишини тақозо қилади. Бу шарт-шароитлар фақат бозор муносабатлари қарор топган шароитда бўлиши мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айна вақтда рақобат муҳитининг шаклланишини билдиради.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда рақобатчилик муҳити узок вақт давомида, ўз-ўзидан, эволюцион йўл билан вужудга келган. Бу аста-секин эркин рақобат муҳитини келтириб чиқарган.

Иқтисодиётда монополлашув принциплари кучайиб бориши билан рақобат чекланади, шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади. Ҳар бир мамлакатдаги аниқ вазият, яъни иқтисодиётнинг монополлашув даражаси унинг миқёси ва тавсифига қараб, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш, уни сақлаб қолиш, зарур бўлганда қайтадан тиклаш, рақобат усуллари қарор топтириш кабиларга қаратилади.

---

<sup>12</sup> Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: 2009, .... бет

Ўзбекистонда ҳам Рақобат муҳитини яратиш юқоридаги назарий асосларга таянган ҳолда олиб боришмоқда. Ўзбекистондаги рақобатчилик муҳитини шакллантириш ва уни кенгайтириш чора – тадбирлари шундан келиб чиқадики, рақобат муҳити бўлмаса “... самарали инновациялар, паст харажатлар ва нархлар, махсулотнинг юқори сифатига эришиш, бошқача айтганда, бутун иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин эмас”<sup>13</sup>.

Шунинг учун, И.А.Каримов “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунинг эътиборга олган ҳолда, «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарурлигини эътироф этган ҳолда қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозимлигини белгилаб бердилар<sup>14</sup>.

Мамлакатимизда рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида бозор иқтисодиётининг барча механизмлари, инфратузилмалари вужудга келтирилган. Бу эса иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши, турмушимиз фаровонлашуви учун муҳим омиллардан биридир.

Мамлакатимизда мустақилликка эриш жараёнида эркин иқтисодиётга ўтиши муносабати билан рақобатни тамомила янгидан вужудга келтириш зарурияти келиб чиқди. Чунки олдинги режали иқтисодиёт буни том манода чеклашга ҳаракат қилган. Корхоналарнинг бозорларда эркин ҳаракати давлат томонидан қаттиқ таъқиқланган. Умуман рақобат муҳитини юзага келишига давлат томонидан чекловлар ўрнатилган. Бироқ рақобатнинг айрим аломатлари мавжуд бўлган. Бунга яширин тадбиркорлик фаолиятлари мисол бўла олади.

---

<sup>13</sup> И.А.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация ва ислох этишдир. Т.; Ўзбекистон, 2005, 76 б.

<sup>14</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

Ғарб мамлакатларида бўлгани каби, манаполлашган рақобатдан эркин рақобатга ўтиш масаласи келиб чиқмайди. Ўзбекистонда рақобатни умуман инкор этувчи давлат монополиясидан давлатлашмаган, турли хўжалик шаклларининг мувозанатига асосланган ва эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтиш юз берди. Бу жараёнда энг аввало рақобат қилувчилар яъни бозор субъектлари мавжуд бўлиши керак. Чунки рақобатнинг асосий шарти алохидалашган, ўз манфаатига эга, мулкый маъсуляти бор ва тадбиркорлик хатарини зиммасига олувчи хўжалик субъектларининг мавжудлиги. Бу эса мамлакатимизда Рақобат муҳитини яратишга қаратилаётган ислохотларда ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикасида “Рақобат тўғрисида”ги янги қонун ишлаб чиқиши ҳам бу борадаги ислохотларнинг янги босқичига ўтишида асосий тўртки бўлди. Ушбу Қонуннинг мақсади товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Янги қонун рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитларни, товарларнинг эркин айланишини, иқтисодий фаолиятнинг эркинлигини таъминлаб бериш, бу эса рақобат ривожланишининг ҳамда унинг товар ва хизматлар бозорларида ҳимоя қилинишининг энг асосий жиҳати бўлиб хизмат қилмоқда. Қонун бозорга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг кириб келишида ва улар ўртасида соғлом рақобатни таъминлашда асосий воситасидир.

Рақобат муҳитига юқорида келтирилган омил ва элементлардан ташқари уни ташкил этувчи демографик, экологик ва бошқа шу каби омиллар ҳам мавжудки, уларнинг баъзилари тадбиркорлик фаолиятига ижобий ёки салбий таъсирини ўзгартириш давлатнинг ёки жамиятнинг ихтиёридан ташқарида бўлса, баъзилари эса юқоридаги гуруҳлаштиришга асос қилиб олинган мезонларга тўғри келмайди.

Рақобат муҳитини шакллантириш бошқариладиган жараёндир. Лекин бошқариш усуллари маъмурий ёки директив кўринишида бўлиши мумкин эмас.

# 1-жадвал

## Рақобат муҳитининг таркибий қисмини ташкил этувчи омиллар ва уларнинг элементлари<sup>15</sup>:

| Рақобат муҳитининг омиллари                  | Омилларнинг таркибий элементлари                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |
|----------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Хукуматнинг қонунчилик сиёсати</b>        | экспорт ва импорт чекловлари;<br>банкротлик тўғрисидаги қонуннинг ҳолати, шартлари, мавжудлиги;<br>давлат рўйхатига кириш тўсиқлари;<br>рўйхатдан ўтказиш ва лицензия олиш жараёнларидаги талабномалар;<br>тадбиркорлар томонидан ҳисобот топшириладиган ташкилотлар сони;<br>мулкчилик муносабатларини ва ҳуқуқларни тартибга солувчи ҳуқуқий норматив базанинг мавжудлиги          |
| <b>Ижтимоий-иқтисодий шароитлар (вазият)</b> | жамиятнинг тадбиркорлик фаолиятига муносабати;<br>малакали тадбиркорларнинг мавжуд бўлиши;<br>ўрнатилган бўладиган тажрибалар;<br>тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган инсонларнинг мавжуд бўлиши;<br>намунали тадбиркорлик фаолиятини қўллаш (тан олиш);<br>кичик фирмаларнинг жами фирмаларга нисбати;<br>турли хилдаги иқтисодий фаолиятлар мавжудлиги;<br>иқтисодий ўсиш даражаси |
| <b>Тадбиркорлик ва бизнес малака</b>         | техник ва касбий таълим;<br>бизнес ва савдо-сотиққа йўналтирилган таълим;<br>тадбиркорликка йўналтирилган таълим дастурлари;<br>маълумотлардан фойдаланиш имконияти;<br>техник ва касбга йўналтирилган таълим дастурла                                                                                                                                                               |
| <b>Молиявий қўмак</b>                        | енчур капитали;<br>паст фоизли ссудалар;<br>тадбиркорларни молиялаштирувчи ташкилотлар;<br>тадбиркорликни бошлаш учун кредитларни кафолатлаш дастурлари;<br>молиялаштирувчи ташкилотлар ўртасидаги рақобат                                                                                                                                                                           |
| <b>Номолиявий қўмак</b>                      | консультатив ва қўллаб-қувватлаш хизматлари;<br>тадбиркорлик тармоғи;<br>инкубаторлик хизматлари;<br>тадбиркорликка қаратилган ҳукумат дастурлари;<br>солиқ имтиёзлари ва қўллаб-қувватлашлари;<br>маҳаллий ва халқаро ахборот тизимлари;<br>замонавий транспорт ва коммуникация хизматлари                                                                                          |

<sup>15</sup> Муаллиф ишланмаси

Уларнинг асосий тадбиркорлик фаолияти субъектларига таъсир қиладиган чоралардан эмас, балки шундай субъектларнинг таркиб топиши йўлида қулай шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлиши керак.

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши, юқори даражада шаклланган бизнес мухитини талаб этади. Ўз навбатида бу уни шакллантирувчи институтларнинг фаол ҳаракатига таянади. Мамлакатимизда бизнес мухитини шакллантирувчи институтларни қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин.

1. Халқаро ташкилотлар
2. Давлат
3. Нодавлат-нотижорат ташкилотлар
4. Маҳаллий ҳокимиятлар
5. Бозор субъектлари (корхоналар)

Бизнес мухитини шакллантириш ва унинг ривожлантириш борасида халқаро ташкилотларнинг ўрни алоҳида ҳисобаланади. Халқаро бизнес мухити ва Ўзбекистоннинг унга мослашиш жараёнларини тезлаштириш ва яратилиш механизмлари халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда.

Давлат рақобат мухитини шакллантириш сиёсатини амалга оширади ва у қуйидаги омилларни ўзида ифода этиши зарур:

- Ҳўқуқий омил – тадбиркорлик фаолиятини юритиш йўлидаги барча қонунлар(солиқ, ер, меҳнат муносабатлар) ва йўриқнамалар мажмуини шакллантирида ва бозор субъектларининг ўзаро муносабатларини мужассамлаштиради

- сиёсий омил – давлатнинг тадбиркорлик фаолиятига қай даражада таъсир кўрсатиши ёки аралаштириш кераклигини белгилайди ва шакллариини ўзида мужассамлаштиради

- иқтисодий-ижтимоий омил – мамлакатда эркин рақобат муносабатларини тартибга солиш, нарх-наво тизимини муқобиллаштириш

ҳамда аҳолини тўловга қобилиятлилиқ даражасини таъминлашда иштирок этади.

- Бизнес мухитини яратишдаги давлатнинг стратегик вазифаларини ва халқаро муносабатларни тартибга солади.

Рақобат мухитини яратиш борасида ўзгача институционал йўналиш сифатида нодавлат – нотижорат ташкилотларининг аҳамияти ўсиб боради. Мамлакатимизда 6000 дан зиёд ННТ фаолият юритмоқда ва улар томонидан бизнес мухитини шакллантириш борасидаги вазифалари кенгаймоқда.

Барча мамлакатларда бўлгани каби Республикамизда ҳам “хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бизнес-муҳитни такомиллаштириш, республика тадбиркорларининг хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун республикага чет эл сармоясини кенг жалб этиш мақсадида”<sup>16</sup> Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг вилоятлардаги ҳудудий бошқармалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг 25-август 2011-йилдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1604-сонли Қарорига мувофиқ “Ўзтадбиркорекспорт” ИТСК ташкил этилди.


2013 йил 8 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2022-сонли қарори билан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш “жамғармаси” фаолияти йўлга қўйилиди.

---

<sup>16</sup> Каримов И. “Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида” 07.06.2005 й. пф-3617-сон фармони.

2008 йилдан буён давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида мамлакатимизда иқтисодиётнинг саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб масалага айланди. Республикамизда ушбу жараён қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилди (3-расм).

Саноат корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.



**3-расм. Саноат корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари.<sup>17</sup>**

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган

<sup>17</sup> Манба: Муаллиф ишланмаси.

маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Кооперация алоқалари – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш. Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтормоқда.

### **1.3. Рақобат муҳитини шакллантиришнинг хориж тажрибаси**

Замонавий Европа иттифоқини тузиш борасидаги илк қадамлар 1951 йилда ташланган: Бельгия, ГФР, Нидерландия, Люксембург, Франция ва Италия пўлат ва кўмир ишлаб чиқариш бўйича Европа ресурсларини бирлаштиришни мақсад қилган "Европанинг кўмир ва пўлат бирлашмаси" (ECSC — European Coal and Steel Community) га асос солишади. Ушбу шартнома 1952 йилда кучга киради. 1957 йил 25 мартда имзоланган Рим шартномаси Европа иқтисодий ҳамжамиятига тамал тошини қўйган ҳужжат саналади. Италия, ГФР, Франция, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург томонидан имзоланган шартномага кўра, инсонлар, товарлар, хизматлар ва капиталларнинг эркин ҳаракатланиши йўлидан барча тўсиқлар олиб ташланган. Бундан ташқари, шу куни яна бир Рим шартномаси имзоланган, унга кўра атом энергияси бўйича Европа ҳамжамиятига ҳам асос солинган. ошланишини белгилаб беради. Шартнома Европа мамлакатларининг пул ва сиёсий тизимини тартибга солиш жараёнини тугатиб берган.

Европа иттифоқининг пул-кредит сиёсатида масъул қилиб Европа марказий банки (ЕМБ) ва ЕИГА аъзо давлатлар миллий марказий банклари таркибидаги Европа марказий банклари тизими (ЕМБТ) белгиланган.

Маастрихт шартномасини имзолаган давлатлар Европа валюта иттифоқига аъзо бўлиш учун Маастрихт тамойиллари деб аталувчи қуйидаги беш тамойилга мос келиш заруриятини маъқуллашди:

1. Давлат бюджети камомади ЯИМнинг 3 фоизидан ошмаслиги;
2. Давлат қарзи ЯИМнинг 60 фоизидан кам бўлиши;
3. Давлат икки йил мобайнида валюта курслари механизмида иштирок этиши ва олдиндан белгиланган диапазонда миллий валюта курсини қўллаб-қувватлаши;
4. Инфляция даражаси Европа иттифоқининг энг барқарор нарх-наволарга эга уч аъзоси ўртача қийматидан 1,5 фоизга ошмаслиги;
5. Давлат облигациялари бўйича узоқ муддатли фоиз ставкалари инфляция даражаси энг паст бўлган мамлакатлардаги шу ставкаларнинг ўртача қийматидан 2 фоизга ошмаслиги.

Қайд этиш жоиз, бу вақтга келиб Европа иттифоқига аъзо давлат сони икки баробарга ошган - Рим шартномасини имзолаган давлатлар сафига Буюк Британия, Дания, Ирландия (1973), Греция (1981), Испания ва Португалия (1986) қўшилган эди. Гарчи Европа иттифоқининг бир қатор давлатлари чегарасида паспорт-виза назоратини соддалаштириш ҳақидаги битим 1985 йилнинг 14 июлида 5 давлат - Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Франция ва Германия томонидан имзоланган бўлса-да, у 1995 йилнинг 26 мартдан кучга кирган 1999 йилнинг 1 майида ўз кучини йўқотган. Унинг ўрнига Европа иттифоқининг Шенген қонунчилиги жорий этилган. Шу йили Европа иттифоқи тўртинчи мартаба кенгайтирилди ва яна уч давлат - Австрия, Финландия ва Швеция аъзо қилиб олинди. Евро зонасига аъзо 19 давлатнинг, шунингдек, 7 таси Европада жойлашган яна 9 давлатнинг расмий валютаси ҳисобланади. Еврозонага аъзо давлатлардан фарқли ўлароқ, бу 9 давлат Европа марказий банкининг пул-кредит сиёсатига аралаша олмайди ва банкнинг раҳбар лавозимларига ўз вакиллари жўната олмайди.

Евро 1999 йилнинг 1 январидан нақд бўлмаган кўринишда муомалага чиқарилди. 2002 йилнинг 1 январидан нақд банкнотлар ва тангалар

муомалага чиқарилди. Айни пайтда евро 240 миллион европаликнинг ягона валютаси ҳисобланади. Айни пайтда бутун жаҳон бўйлаб нақд муомалада айланаётган евро банкнотлари миқдори 1 триллион евродан ошган ва бу кўрсаткич бўйича валюта АҚШ долларидан ҳам олдинги ўринда бормоқда.

Аъзолари 15 та давлатга етган ЕИ шу йили яна 10 та аъзони ўз таркибига қўшиб олди. Улар - Чехия, Венгрия, Польша, Словения, Словакия, Эстония, Латвия, Литва, Кипр ва Мальта давлатлари. Гарчи бу кенгайиш аҳоли сони ва мамлакат ҳудуди бўйича энг каттаси бўлса-да, ялпи ички маҳсулот миқдори бўйича энг каттаси эмас эди. 2007 йилда Болгария ва Руминия ҳам шу бешинчи кенгайиш доирасида Европа иттифоқи аъзоси бўлишди ва аъзо мамлакатлар сони 27 тага етди.

2013 йилда Хорватия олтинчи кенгайиш доирасида ЕИнинг 28-аъзосига айланди. Буюк Британия аҳолиси 2016 йилнинг июнь ойида референдумда ЕИ таркибидан чиқиш - "Brexit"ни ёқлаб учун овоз беришди. 2017 йил мартида Қиролича Елезавета II томонидан мамлакат парламентининг бу борадаги қонуни имзоланди ва расман кучга кирди. Шу туфайли куни-кеча Италия пойтахти Римда ўтган "Рим шартномаси"нинг 60 йилигига бағишланган юбилей саммитда илк бора Буюк Британия вакиллари иштирок этмади ва ЕИга аъзо давлатлар сони яна 27 та бўлиб қолди.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ борасида атрофлича тўхталиб бўлдик. Унга 27 давлат аъзо:

- Бельгия, Германия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Франция (1957)
- Дания, Ирландия (1973)
- Греция (1981)
- Испания, Португалия (1986)
- Австрия, Финландия, Швеция (1995)
- Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения, Чехия, Эстония (2004)

- Болгария, Руминия (2007)
- Хорватия (2013)

Кўриб турганимиздек, митти давлатлар ва Собик Югославия таркибидаги айрим давлатлар ҳисобга олинмаса, Норвегия, Швейцария ва Исландия каби иқтисодий жиҳатдан бақувват давлатлар Европа иттифоқи аъзоси эмас.

ЕВРО ЗОНАСИ. Европанинг ягона валютаси Европа Иттифоқиға аъзо давлатларнинг 19 тасидагина амалда. ЕИ аъзоларидан Швеция, Дания, Польша, Чехия, Венгрия, Болгария, Руминия, Кипр, Ирландия ва собик аъзо — Буюк Британия ўз миллий валюталарини сақлаб қолган. ЕИ аъзолари ичида Руминиядан бошқа ҳеч бири яқин орада миллий валютасини батараф этиб, еврони муомалага киритишни мўлжалламаяпти. Руминия 2019 йил 1 январдан евроға ўтади. Андорра, Ватикан, Монако, Сан-Марино каби митти давлатларда ҳам евро амал қилади. Швейцария франки ўзи ва Лихтенштейнда; Норвегия ва Исландия, шунингдек, собик Югославия республикаларида ўз миллий валюталари амалда.

ШЕНГЕН ЗОНАСИ. Битим юқорида таъкидланганидек, 1985 йилнинг 14 июнида Бельгия, Люксембург, Нидерландия, Франция ва ГФР вакиллари иштирокида Люксембург, Франция ва ГФР черагасидаги Мозель дарёси узра сузаётган «Малика Мари-Астрид» кемасида имзоланади. Битим ўша пайтда кемаға энг яқин бўлган қишлоқ номи — Шенген номини олади.

Шенген зонаси ЕИға аъзо 28 давлатдан олтитасида амал қилмас эди: Буюк Британия, Хорватия, Руминия, Кипр, Ирландия ва Болгарияда. Айни пайтда Шенген визаси билан Европа иттифоқиға аъзо 22 та давлат чегаралари бўйлаб бемалол саёҳат қилиш мумкин. ЕИ аъзоларидан Кипр, Хорватия, Руминия ва Болгария Шенген зонасига аъзо бўлишға мажбур мамлакатлар ҳисобланади ва яқин йилларда қабул қилинади. Лекин қизиғи шундаки, Шенген зонаси Евро зонаси ва Европа Иттифоқиға аъзо бўлмаган мамлакатлар ҳудудида ҳам амал қилади. Масалан, Швейцария, Исландия, Норвегия, Лихтенштейн кабиларда. Андорра, Сан-Марино ва Ватикан (Италия орқали), Монако (Франция орқали) каби митти давлатларға ҳам

Шенген визаси билан бемалол кириб чиқиш мумкин. Бу давлатлар чегараси очик давлатлар ҳисобланади.



4-расм. Европа Иттифоқи зоналари.<sup>18</sup>

Европа Иттифоқида рақобат муҳитининг ривожланганлиги биргина ҳаво йўллари хизматини ривожланганлигидан далолат беради, масалан. лоукост-қатновлар ривожланишининг мустаҳкам пойдеворини қўйишга имкон берди. 2001 йил 11 сентябрдан кейин юзага келган инқирозда авиакомпаниялар янги самолётларга буюртмаларни ёппасига бекор қила бошладилар. Boeing ва Airbus харидор топа олмай, самолётларни омборга тахлай бошладилар. Таҳлилчилар бу ишлаб чиқарувчиларни банкротлик кутаётгани, айниқса Америка компанияси аҳвол оғирлиги ҳақида сўзлай бошладилар.

Ирландиядаги Ryanair авиакомпаниясининг янги раҳбари Майкл О'Лири Boeingга ёрдам қўлини чўзди. Олдинлари у янги самолётлар хариди ва ижараси билан шуғулланувчи дунёдаги энг йирик лизинг компаниясини бошқарганди. Инқироздан биров олдин компания банкротликка учрайди, лекин О'Лири самолётларни харид қилиш бўйича энг зўр мутахассис

<sup>18</sup> Манба: Интернет маълумоти.

сифатида, ишлаб чиқарувчиларнинг барча нозик жиҳатларини биларди. У 100 та Boeing 737-800ни тахминан 70 фоизлик чегирма билан харид қилишга муваффақ бўлди, кейинроқ буюртма яна 150 та техникага кенгайди, бугунга келиб эса, лоукостерда жами 500 тага яқин Boeing самолётлари мавжуд. Бозорда аниқ тақсимот кўзга ташланади: анъанавий флагман ташувчилар бизнес-йўловчиларни (иш берувчи ҳисобидан учадиганларни), шунингдек хусусий йўловчилар (асосан узоқ масофаларга, жумладан, ўз хаблари орқали, транзит билан) ташийди.

Лоукостерда эса (Ryanair, easyJet, Vueling, Transavia, Eurowings, Norwegian Air) йўловчилар оқимининг 75%идан зиёди Шимолий Европадан Ўрта ер денгизи ва Атлантика курортларига ёки шунга ўхшаш жойлар (тоғ чанғиси курортлари, йирик маданий-тарихий марказлар ва бошқалар)га учадиган сайёҳлар ташкил қилади. Қолган 25% меҳнат мигрантларига (асосан Шарқий ва Жануби-Шарқий Европадан қитъанинг шимолий ва ғарбий томонларига) тегишли. Бундан Wizzair ва Pegasus мустасно, уларда оқим 50%га 50% кўринишида тақсимланади.

Ryanair, унинг кетидан бошқа кўплаб лоукостерлар ҳам, кичик шаҳарларга училишга урғу бериш орқали, бундан ҳам пул ишлашнинг уддасидан чиқдилар ва яна бир бозор афзаллигига – маҳаллий ҳокимият ва аэропортлар дотациясига эга бўлдилар.

Айтайлик, лоукостер шартли Х аэропортига бир йилда 1 млн йўловчи олиб келиш мажбуриятини олади (йўловчи учун йиғим €10 бўлсин). Мажбуриятни уддалагач, авиакомпания аэропортга пул тўламайди, қўшимчасига ундан, дейлик, ҳар бир йўловчи учун €10 олади. Агар лоукостер мажбуриятни бажармаса, у дотация олмайди ва барча йўловчилар учун тўлиқ йиғимлар тўлашга мажбур бўлади.

Акция доирасида 150 мингта чипта, ҳар бир чипта бўйича €35 зарарига сотилади – жами €5,25 млн соф зарар. Лекин авиакомпания йил охирида барча йўловчилар учун дотация (€10 млн) ва аэропортда йиғимлар бўйича чегирма (яна €10 млн) олади. Натижада, бошқа чипталарни авиакомпания 0

фоизли фойда билан сотган тақдирда ҳам, бир аэропортнинг ўзида €14,75 млн соф фойда кўрилади. Узоқ муддат Ryanair кўплаб кичик аэропортларда мутлақо ҳеч қандай йиғим тўламади, фақат йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича рамзий тўлов бундан мустасно. Лекин, рақобатчиларнинг кўп сонли шикоятларидан кейин, ЕИдаги монополияга қарши хизматлар бу масалага эътибор қаратдилар ва аэропортларда чегирмалар беришни қатъий тартибга солдилар.

#### I-Боб бўйича хулоса

Рақобат муҳитини шакллантиришнинг назарий услубий асослари деб номланган биринчи бобда Рақобат муҳити тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти ўрганилган, рақобат турларига изоҳ берилган, Ўзбекистонда рақобат муҳити ва уни шакллантиришнинг методологик асослари ёритилган, Рақобат муҳитини шакллантириш хориж тажрибаси сифатида Европа Иттифоқи мамлакатлари рақобат муҳитини шакллантириш ва такомиллаштириш тажрибалари ўрганилган. Унда асосан Ирландиядаги Ryanair авиакомпаниясининг рақобат стратегияси, бозорни эгаллаш учун олиб борган нарх сиёсати ва истеъмолчиларни кенг қамровини эгаллаш учун амалга оширган чегирма акциялар ва бошқа рақобат стратегияларидан фойдаланган ҳолда рақобат муҳитини такомиллаштириш олган. Инқироз даврида банкротликка учраган Ryanair авиакомпаниясига тайинланган янги раҳбар ўз рақобат стратегиялари билан Майкл О'Лири Boeingга ёрдам қўлини чўзди.

## **II-БОБ. ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАК БЕРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИНИНГ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Тошкент вилояти рақобат муҳитининг ривожланганлик ҳолати таҳлили**

Мамлакатимиз мустақилликка эришган даврдан бошлаб миллий иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини жадвал суръатлар билан ривожлантириш, тармоқларни ҳудудларда мавжуд ресурс салоҳияти ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда мутаносиб қайта шакллантириш борасидаги туб ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, тақрибий ўзгаришларда иқтисодий ривожланиш йўллари (импорт ўрнини босувчи тармоқларни ривожлантириш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш) ни зарурий мутаносибликда жорий этилишига ҳаракат қилиниши иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларида жиддий ўзгаришларнинг юз беришини таъминлади.

Таркибий ўзгаришларни амалга оширишда реал секторнинг барча соҳаларида корхоналарнинг шаклланиши ҳамда улар фаолиятининг қўллаб-қувватланишига эътибор қаратилмоқдаки, бу корхоналарнинг молиявий-иқтисодий жиҳатдан барқарорлиги, уларнинг даромадлилигини таъминлашда зарурий шарт-шароитларни таъминламоқда.

Ҳудудлар даражасида реал сектор корхоналари фаолиятининг тамоқлар кесимида ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида жойлашуви, демографик ва табиий-иқлим шароити бошқа ҳудудлардан нисбатан фарқ қилувчи Тошкент вилояти ҳудудий иқтисодиёти таркибидаги реал сектор соҳаларини танлаб олинди.

Тошкент вилояти республикадаги ҳудудлар ичида нисбатан саноатлашган, аграр тармоқ соҳалари яхши ривожланган, ҳизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳудудлардан ҳисобланади.

Вилоят иқтисодининг асосини саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, пахтани қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати ташкил этади. Бундан ташқари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати тез суръатларда ривожланиб бораётган тармоқлар жумласига киради. Енгил саноатнинг асосини мавжуд пахта тозалаш заводлари, пахта ва ипак тола йигирувчи фабрикалар ташкил қилади. Нон маҳсулотлари, қандолат, сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар тез суръатларда ривожланиб бормоқда.

Вилоятда саноатнинг тез суръатларда ривожланиб бораётганлигига қарамасдан, қишлоқ хўжалиги вилоят иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу соҳада пахтачилик ва ғалла етиштириш энг асосий йўналиш бўлиб, сўнгги йилларда янги боғ ва узумзорларнинг барпо этилиши, сабзавот ва полиз маҳсулотлари экин майдонларининг кенгайиши вилоятда мева-сабзавотчиликнинг ҳам барқарор ривожланишига ҳизмат қилмоқда.

Тошкент вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯХМ) мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 2017 йилда 6,7 фоизини, саноат маҳсулотларининг 6,7 фоизини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 8,7 физини таъминламоқда. Республика вилоятлари билан таққосланганда Тошкент вилояти аҳоли сони жиҳатидан 2 ўринни эгаллаб, барча кўрсаткичлар бўйича деярли 4-5 ўринда туради. Тошкент вилоятининг макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаги Республика ЯИМ ҳажмида вилоят улуши кескин пасайиш тенденсияси кузатилган. ЯИМда Тошкент вилояти улушини пасайишига республиканинг ўртача даражасига нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ХИМ, айниқса, асосий капиталга инвестицияларнинг камайиб кетиши асосий сабаб бўлган (2-жадвал).

Тошкент вилояти мамлакат саноатининг ҳудудий таркибида олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келсада, йиллар давомида республика саноатидаги улушининг пасайиш тенденсияси кузатилмоқда. Таҳлил натижаларига кўра бу ўз навбатида инвестицияларнинг улушини 2005 йилдаги 5,1 % дан 2017 йилда қарийб 3,9 % гача қисқарганлиги билан

изохлаш мумкин. Шунинг учун, вилоятда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар билан бирга, хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутди.

## 2-жадвал

### Тошкент вилоятининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тугган ўрни, фоиз ҳисобида<sup>19</sup>

| Кўрсаткичлар                   | 2005 й. | 2010 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | Мамлакати мизда тугган ўрни (2017 йилда) |
|--------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|------------------------------------------|
| Аҳоли                          | 10,9    | 11      | 11,1    | 11,1    | 11,1    | 2                                        |
| Ялпи ҳудудий маҳсулот          | 8,9     | 7,1     | 7,1     | 7,0     | 6,6     | 5                                        |
| Саноат маҳсулотлари            | 8,1     | 8,4     | 7,3     | 7,2     | 6,7     | 4                                        |
| Истеъмол товарлари             | 9,2     | 8,3     | 6,9     | 6,9     | 6,4     | 4                                        |
| Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари    | 9,6     | 7,8     | 8,8     | 8,8     | 8,7     | 5                                        |
| Асосий капиталга инвестициялар | 5,1     | 5,5     | 5,1     | 4,8     | 3,9     | 9                                        |
| Чакана савдо айланмаси         | 10,7    | 8,7     | 8,6     | 8,6     | 8,5     | 3                                        |
| Хизматлар                      | -       | 5,0     | 6,2     | 6,4     | 6,4     | 3                                        |
| Ташқи савдо айланмаси          | 3,3     | 4,3     | 4,7     | 3,6     | 3,5     | 5                                        |
| Экспорт                        | 3,8     | 3,5     | 3,1     | 3,3     | 3,7     | 3                                        |
| Импорт                         | 2,6     | 5,5     | 6,3     | 3,9     | 3,3     | 6                                        |

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 26 003 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 25 571 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 98,3 фоизини ташкил қилди. Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 21,5 фоизи), саноат (20,9 фоизи), қурилиш (8,0 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (5,5 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2018 йил 1 январь ҳолатига 20682 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхона – 8 119 та, оилавий корхона – 2 174 та, масъулияти чекланган жамият – 9 708 та, акционерлик жамияти – 50 тани ташкил этади. Иқтисодий фаолият турлари

<sup>19</sup>Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 34,7 фоизи саноат, 23,7 фоизи савдо ва 8,1 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Тошкент вилояти ЯИМнинг 2005-2017 йиллардаги ўртача ўсиш тенденциялари ҳам Республиканинг ўртача даражасидан паст бўлиб, мос равишда 107,8 фоиз ва 106,5 фоиздир.

2017 йил ҳолатига республика саноат маҳсулотларининг 6,7 фоизи, жумладан республикада ишлаб чиқарилаётган ёқилғининг 52 фоизи, озиқ-овқат маҳсулотларининг 9,5 фоизи, цементнинг 25 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келмоқда.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кейинги йилларда вилоятда барқарор ривожланиш жараёнлари кузатилмоқда. Буни ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2005-2017 йилларда ўртача 6,5 фоизни ташкил қилиб, 2005-2017 йилларда 11,7 маротаба ўсганлигида кўришимиз мумкин. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,3 мартага, истеъмол товарлари 14,1 мартага, чакана савдо айланмаси 12,8 мартага, инвестициялар киритиш эса 14,6 мартага кўпайган.

Тошкент вилоятининг иқтисодиётда ижобий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш имконини бермаган. Таҳлил қилинаётган 2005-2017 йиллар давомида саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 26,7 фоиздан 24,8 фоизга пасайганлиги, қурилишнинг улуши 3,8 фоиздан 6,2 фоизга ошганлигини, хизматларнинг 36,4 фоиздан 45,4 фоизга ўсганлигини билан изоҳлаш мумкин (3-жадвал). Вилоятнинг республиканинг бошқа ҳудударига қараганда саноатни ривожлантириш имкониятларининг юқорилигини инобатга олганда саноат салоҳиятини оширишга қаратилган инвестицион дастурлар етарлича самара бермаган.

Вилоят ЯХМ ҳажми асосий тармоқлар ҳисобланган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва саноатнинг улушини пасайиши натижалари эса вилоятни иқтисодиётига инвестициялар киришини чекланишини юзага чиқарган. Амалга оширилган лойиҳалар эса кўпроқ хизматлар соҳасига тўғри келган.

Вилоятда асосий тармоқларнинг ривожлантиришга қаратилган ишлар салмоқли амалга ошилмаганлиги макроиктисодий ҳолат бўйича таҳлил кўрсатиб турибди.

### 3-жадвал

#### Тошкент вилояти иқтисодий фаолият турларининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши<sup>20</sup>,


тармоқ-ларнинг ялпи қўшилган қиймати 100 фоиз.

| Йиллар  | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | Саноат | Қурилиш | Хизматлар | шу жумладан:                               |                                   |                         |
|---------|---------------------------------|--------|---------|-----------|--------------------------------------------|-----------------------------------|-------------------------|
|         |                                 |        |         |           | савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | бошқа хизмат тармоқлари |
| 2005 й. | 33,1                            | 26,7   | 3,8     | 36,4      | 8,1                                        | 9,6                               | 18,7                    |
| 2010 й. | 23,4                            | 23,9   | 6,5     | 46,2      | 8,9                                        | 6,1                               | 31,2                    |
| 2015 й. | 21,7                            | 24,5   | 6,3     | 47,5      | 9,6                                        | 10,6                              | 27,3                    |
| 2016 й. | 21,5                            | 24,8   | 6,3     | 47,4      | 10,8                                       | 10,5                              | 26,1                    |
| 2017 й. | 23,6                            | 24,8   | 6,2     | 45,4      | 10,5                                       | 9,4                               | 25,5                    |

Вилоятнинг истеъмол товарлари бозорининг ривожланганлиги эса аҳолини фаровонлигини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Тошкент вилояти истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича республикада тўртинчи ўринда туради. 2005-2017 йиллар давомида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ўртача 7,2 % дан ўсиб Республиканинг ушбу йиллар давомидаги ўртача ўсишига (11,6) нисбатан паст ривожланган. Тошкент вилоятида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг 40,0 % озиқ-овқат товарлари (республикада 49,9%), 60,0% ноозиқ-овқат товарлари ҳисобланади (3-расм). Ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришдаги улуши бўйича Тошкент ш., Тошкент вилояти, Қорақалпоғистон Республикасидан кейинги 4-ўринда туради. Вилоят чакана савдосининг ривожланиши аҳолининг реал талабини қай даражада ўзгараётганлигини, унинг таркиби эса аҳоли турмуш даражасини белгилаб берувчи асосий макроиктисодий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Чакана

<sup>20</sup>Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумоти. 15 май 2018 й. №01/2-01-19-592 сонили маълумотнома

савдо ва унинг ривожланиш тенденциялари ҳудуд аҳолиси ва талабни ҳолати бўйича маълумот берувчи асосий кўрсаткич бўлиб, уни ривожланиши иқтисодиётнинг барча тармоқлари ривожланишга синергия таъсири мавжуд.




**5-расм. Тошкент вилоятида ҳалқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг таркиби<sup>21</sup>, фоиз**

Тошкент вилоятининг чакана савдо айланмасининг ҳажми 2005-2017 йилларда республиканинг умумий ўртача даражасидан паст ўсган бўлиб, мос равишда 114,5 фоиз ва 112,1 фоизни ташкил этган. Республика жами чакана савдо айланмасининг 2017 йилда 8,5 % вилоят хиссаси ҳисобланиб, ҳудудлар ичида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятдан кейинги ўринда туради.

Вилоятда чакана ва улгуржи савдони ташкил этишда норасмий савдо билан шуғулланаётган, тарқоқ ҳолда жойлашган тадбиркорларнинг фаолият олиб бориши савдони замон талаблари даражасида ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Тарқоқ тадбиркорлар томонидан ҳуфёна йўллар билан киритилган маҳсулотларни нисбатан арзон нархларда сотилиши бу соҳада рақобат муҳитини шакллантиришга йўл қўймапти. Натижада савдо ҳизмати маданиятини ошириш, товарлар ассортиментини яхшилаш, транспорт харажатларини камайтириш ва савдо билан шуғулланувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилашга путур этмоқда.

<sup>21</sup>Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумоти. 15 май 2018 й. №01/2-01-19-592 сонили маълумотнома



**6-расм. Тошкент вилоятида аҳоли жон бошига чакана савдонинг ривожланишини таққослашиниши<sup>22</sup>, (минг сўм.)**

Вилоятнинг аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси Республиканинг ўртача кўрсаткичига нисбатан паст ҳисобланиб, республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан юқори. Янада аниқроқ ифодалаш учун 6-расмда келтириб ўтилган тренд тенгламалар натижаларидан ҳам кузатиш мумкинки, таҳлил қилинганларга кўра республикада аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси йилига 248,6 минг сўмдан, вилоятда эса ўртача 191,3 минг сўмни ташкил этмоқда. Тошкент вилоятида чакана савдоси ривожланишининг асосий нуқтаси Тошкент, Чирчиқ, Ангрен Олмалик шаҳарлари ҳисобланиб уларнинг 2017 йилдаги жами улуши 47,2 фозни ташкил этди. Ушбу ҳолатдан маълумки чакана савдода концентрация асосан 3 та шаҳар хиссасига тўғри келмоқда.

Кичик тадбиркорликнинг товар айланмаси 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 2,6 фоизга ўсди. Унинг ҳажми жами савдонинг 91,5 фоизини ташкил этиган. Кичик тадбиркорлик хусусий тавор айланмасининг деярли 878,7 млрд.сўмни уюшмаган савдо ҳисобидан тўғри келди. Ушбу секторнинг

<sup>22</sup>Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумоти. 15 май 2018 й. №01/2-01-19-592 сонили маълумотнома

жами чакана товар айланмасидаги улуши 9,5 фоизни ташкил этди<sup>23</sup>.

Вилоятда савдо объектларини жойлаштиришдан тортиб, уюшган савдода фаолият олиб бораётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга керакли инфратузилма яратиш масалаларига комплекс ёндашувни талаб этади. Бу ҳолат савдода фаолият олиб бораётган маҳаллий тадбиркорлар уюшмасини замонавий асосда қайта ташкил этиш ва ушбу уюшмани тадбиркорлар билан маҳаллий ҳокимият ўртасидаги боғловчи сифатида шакллантиришни талаб этади.

Бундан ташқари уюшган савдони ривожлантиришга қаратилган махсус ҳудудий дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу дастурда уюшган савдога аъзо бўлган тадбиркорларга ўз фаолиятларини ривожлантиришлари учун зарур бўлган комплекс чора-тадбирлар (банк, молия, солиқ, кадастр, лизинг ва суғурта хизматлари бўйича) ва қўшимча имкониятлар акс эттирилади

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) концепцияларига мувофиқ, ҳар бир инсон ўзи ва оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминловчи турмуш даражасига (озик-овқат, кийим-бош, уй-жой, тиббий парвариш, ижтимоий хизматлар), шунингдек, ишсизлик, ногиронлик, бевалик ҳолатларида таъминот олиш ҳуқуқига эга. Мана шу ҳуқуқларнинг барчаси миллий концепциялар асосида амалга оширилади. Турмуш даражаси концепцияси тамойиллар ва кўрсаткичлар тизими асосланувчи, аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган иқтисодий фаолиятнинг таянч соҳаси ҳисобланади. Турмуш даражасининг концепцияси кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш стратегияси ва йўналишлари, босқичларини белгилаб беради.

Ҳудудларда амалга оширилаётган ҳар қандай иқтисодий чоралар ва охир-оқибат аҳоли турмуш даражасининг ўсиши билан белгиланади ва бу ҳолат ҳудудларда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга жавоб берадиган

---

<sup>23</sup>Тошкент вилояти статистика бўлимининг расмий сайти- <http://Tashstat.uz/wp-content/uploads/Ички-савдо-173011.pdf>

турмуш даражаси аниқлаш лозимлигини келтириб чиқаради. Мазкур концепция маркетинг назарияларини шакллантиришда сўнгги йилларда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган иқтисодий истеъмолга йўналтирилган концепцияси доирасида асосий масала ҳисобланади.

Аҳоли даромадларини ошиб бориши ва унга нисбатан ҳарожатларнинг тақсимланиш ҳолатларини ўрганиш вилоят иқтисодий ривожланиши аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга таъсирини баҳолаш орқали амалга оширилади.

Истеъмол даражаси индекси ва динамикасини меъёрий-таҳлилий баҳолаш, башоратлаш ва тартибга солиш ҳамда аҳоли даромадаларини оширишга қаратилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг муҳим воситасидир. Турмуш даражаси индексини ҳисоблаш учун турмуш даражасининг қуйидаги компонентлари жон бошига тўғри келадиган индекси аниқланади: овқатланиш (тўйимлилиги ва оқсилларга бойлиги бўйича), уй мулклари жамғармаси (солиштирма нархларда), уй-жой (қулайликларни қўшгандаги майдони), саломатлиги ва соғлиғини сақлаш (умр кўриш даври динамикаси, саломатлик ва соғлиқни сақлаш учун ҳаражатлар бўйича), таълим ва маданият (маълумот олиш ўринлари, таълим ва маданият учун ажратиладиган ҳаражатлар бўйича), аҳолига ҳизмат кўрсатиш (солиштирма нархларда) ва ҳоказо. Сўнг оила бюджетлари статистикаси бўйича эҳтиёжларнинг ўзгариб бориш даражалари аниқланади.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси ўсиб бормоқда, аммо унинг айрим кўрсаткичлари ривожланган давлатлар билан таққослаганда эса нисбатан паст эканлигини кўриш мумкин, бироқ истеъмол товарларининг нархлар инекслари бўйича таққосланганда эса фарқлар даражасининг қисқариб бориш ҳолатлари кузатилади.

Тошкент вилоятида аҳоли даромадларининг 2005-2017 йиллар давомидаги ўртача ўсиши йилиги 23,6 фозни ташкил этиб, республикнинг ўртача йиллик ўсиш суратидан 2,4 фозга паст бўлган. Республика

аҳолисининг жами 11,1 фоиз истиқомад қилувчи вилоятда аҳоли даромадларидаги улуши 9,1 фоизни ташкил этмоқда.

Тошкент вилояти аҳоли даромадлари республиканинг ўртача даражасини 2005 йилда 83,5 % га тўғри келган бўлса, ушбу ҳолат 2005-2017 йиллар давомида деярли ўзгармаган. Вилоятда ҳалигача республиканинг ўртача даражасига нисбатан аҳоли даромадлари паст даражада сақланиши билан бирга йиллар давомида янада камайиб бориш тенденцияси сақланиб қолмоқда (4-жадвал). Аҳолининг реал даромадаларини Республиканинг ўртача даражасига нисбатан камайиш тенденциялари кузатилган бўлсада, таҳлил йиллари ўртача 123,6 фоиз ўсиб, Республиканинг бошқа бази вилоятларига нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилган. Қўшни вилоятлар бўлган Наманган вилоятининг ушбу йилларда аҳоли даромадларининг ўртача ўсиш тенденцияси 127,5 фоиздан, Сир дарё вилояти эса 121 % ни ташкил этган.

#### 4-жадвал

##### Тошкент вилоятида аҳоли даромадаларинининг республика кўрсаткичлари билан таққосламаси<sup>24</sup>

аҳоли жон бошига минг сўм


|                         | 2005 й. | 2010 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. |
|-------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Ўзбекистон Республикаси | 373,9   | 1801,2  | 4256,3  | 4802,6  | 5798,0  |
| Тошкент вилояти         | 312,0   | 1518,7  | 3591,6  | 3993,2  | 4758,1  |
| Фарқи, %                | 83,5    | 84,3    | 84,4    | 83,1    | 82,1    |
| Фарқи (+/-)             | -61,9   | -282,5  | -664,8  | -809,4  | -1039,9 |

Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлили натижаларидан маълумки вилоятда барча кўрсаткичлар бўйича республиканинг умумий ўсиш даражасидан паст ҳолатда қолмоқда.

Тошкент вилоятининг ташки савдо айланмаси 2017 йилда жами 949,4 млн.АҚШ доллариға тенг бўлиб, ушбу ҳолат Республика ташкил савдо

<sup>24</sup>Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумоти.

айланмасининг 3,5 фоизини ташкил этган бўлсада, Республиканинг 2005-2017 йиллардаги ўртача ўсишига нисбатан 7 фоиз юқори ўсиш тенденцияси кузатилган (7-расм).



**7-расм. Тошкент вилоятининг ташқи савдосининг ўсиш тенденцияси, фоизда<sup>25</sup>.**

Вилоятнинг ташқи савдоси такибида 2017 йилда экспортнинг улуши 54,1 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2005 йилда 65,8 %, 2010 йилда 47,4 фоиз, 2015 йилда 32,7 фоизни ташкил этган. Таҳлил натижаларидан маълумки вилоят ташқи савдосида экспортнинг улушининг юқори бўлиши 2017 йилга келиб ижобий савдога эришган.

Аҳолининг истеъмол ҳаражатлари талаб ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади ва унинг даражаси аҳоли турмуш фаровонлигини англатади. Аҳолининг реал даромадалари ва ҳаражатлари ўртачасидаги боғлиқлик эса аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади ва уни аниқлаш учун эластиклик коэффициентида ( $K_s$ ) фойдаланилади. Бу коэффициент ўртача жон бошига даромадларнинг 1 фоизга ўзгариши истеъмол ҳаражатларининг қанчага ўзгаришини кўрсатади ва мусбат коэффициентни ифодаланиши аҳолининг турмуш даражасини ўсиб бораётганлигини англатади.

<sup>25</sup>Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумоти.

$$K_y = \frac{\Delta y}{\Delta x} : \frac{y_0}{x_0} \quad (2.1)$$

бунда,  $K_y$ - эластиклик коэффиценти;

$y$  – аҳоли жон бошига истеъмол ҳаражатлари;

$x$ – аҳоли жон бошига даромадалар;

Тошкент вилоятида аҳолининг турмуш даражасини аниқлаш учун статистик кўрсаткичлар орқали 2006-2017 йиллардаги ҳолатини эластиклик коэффицентини 5-жадвалда аниқлаймиз.

**5-жадвал**

**Тошкент вилояти аҳолисining турмуш даражасини<sup>26</sup>,**

**минг сўм**

| <b>Кўрсаткичлар</b>  | <b>2006 й.</b> | <b>2010 й.</b> | <b>2015 й.</b> | <b>2016 й.</b> | <b>2017 й</b> |
|----------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|---------------|
| Даромадлар           | 391,4          | 1518,7         | 3591,6         | 3993,2         | 4758,1        |
| Истеъмол ҳаражатлари | 212,664        | 697,2          | 2838,641       | 4024,8         | 4443,6        |
| $K_y$                | 0,92           | 0,68           | 0,93           | 1,28           | 0,93          |

5-жадвал маълумотларидан маълумки аҳоли турмуш даражаси йиллар давомида бирдан кичик коэффицентларни қабул қилмоқда. Ўз навбатида Тошкент вилоятида аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш чораларини белгилаш каби ўта муҳим вазифаларни белгилаш ва бу борадаги маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш лозимлигини тасдиқламоқда.

Вилоятда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, камбағалликни олдини олиш ва даромадлар даражасини ошириш муаммоларини ҳал этишда истеъмол бюджети асосида аҳолини минимал даромад билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлил натижаларидан маълумки, шиддатли рақобат муҳити шароитида жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар айнан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тез фурсатларда янги инновацион технологияларнинг кириб келиши ва ривожланиши, меҳнат бозори, товар ва хизматлар бозоридаги рақобатнинг кучайиши, ҳар бир фаолият юритувчи

<sup>26</sup>Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумоти.

хўжалик субъектидан ишлаб чиқаришни таркибан янгилаш, модернизация қилиш, тармоқларда диверсификацияни тўғри амалга оширган ҳолда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

Жаҳон амалиётида ўзини оқлаган бошқарув усуллари ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтиришни тақозо этмоқда ва бу Ўзбекистоннинг ҳудудларни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифалардан биридир.

Ҳудуд иқтисодиётининг ривожланишини таъминлашда чет эл капитал кўйилмалари ичида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар салмоғининг сезиларли даражада улкан миқдорга эга бўлиши ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки, давлат кафолатисиз мамлакат иқтисодиётига инвесторлар капитал маблағларини йўналтиришлари уларнинг ҳудуд иқтисодиётда фаолият юритиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган барча рискларни (таваккалчиликларни) ўз зиммаларига олганликларидан далолат беради. Вилоятда 2017 йилдаги барча чет эл инвестицияларининг 82 % ини тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келганлиги, вилоятда қулай инвестиция иқлими яратилаётганлигини кўрсатиб турибди. Бироқ асосий вазифа сифатида ҳудудда самарали инвестиция сиёсатини олиб бориш орқали уларни янада кенгроқ жалб этиш имкониятларини ошириш талаб этилмоқда.

Хорижий мамлакатлар, хусусан, янги индустриал давлатлар, Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ўсиш даражаси 10 % дан юқори кўрсаткич қайд қилинган даврда мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестициялар салмоғи ялпи ички

маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан 35-40 % ни ташкил этган бўлиб, уларнинг сезиларли даражадаги ҳажми ички инвестициялар улушига тўғри келган<sup>27</sup>.

Мазкур даврда мамлакат фуқароларидан бошлаб, то миллий иқтисодий субъекларнинг барчаси “белбоғни бироз тортиб боғлаб” иш тутишни лозим топишган, яъни, истеъмол қилиш ҳажмини камайтиришган ва жамғармалар салмоғини оширилишига ўз ҳиссаларини қўшишган. Бироқ ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришда ички инвестицияларнинг нисбатан самара бераётган ҳолатлари ҳам мавжуд. Шунга кўра ҳудуд иқтисодиётга инвестициялар ҳажмини, ички инвестициялар негизида қўпайтириш учун қўйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- жамғармаларни инвестицияга айлантириш билан боғлиқ миллий иқтисодиётда амал қилувчи мавжуд механизмни маркетинг тамойиллари асосида такомиллаштириш;
- тижорат банклари томонидан аҳоли қўлида мавжуд пул ресурсларини, хоҳ у миллий, хоҳ у хорижий валютада бўлсин жалб қилиш ва уларни тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари сифатида бериш;
- аҳоли қўлида йиғилган пул маблағларини фонд биржалари орқали инвестиция жараёнига жалб қилиш ва ҳоказо.

Маълумки, ички инвестиция маблағларини миллий иқтисодиётга янада жадал жалб қилиш, мамлакатимизда мавжуд капитал ресурсларни иқтисодиёт тармоқларига жалб қилиш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ босқични босиб ўтишни тақозо этади, яъни, бирмунча вақтни талаб қилади.

---

<sup>27</sup>Сиддиқов А. Ўзбекистон тараққиётида инвестицияларнинг роли ва уларни жалб этиш жозибадорлиги. <http://farstat.uz/ru/2018/01/25/uzbekiston-va-janubiy-koreya-prezidentlarining-telefon-orqali-muloqoti-togrisida/>

## **2.2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмак бериш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг рақобат муҳитини шакллантиришдаги ташкилий функционал вазифалари таҳлили**

“Рақобат тўғрисидаги” янги қонунни қабул қилишиниши “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси” фаолиятни янада кенгайтириш ва уни бугунги бозор ҳолатига мослаш вазифасини қўйди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Бозор иқтисодиётининг асоси бўлмиш давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хусусий мулкчилик кўламини кенгайтириш, монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш ҳамда реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш, фонд бозори, хусусан, иккиламчи фонд бозорини жадал ривожлантириш, корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикасининг “Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш” давлат қўмитаси ташкил қилинди.

Вилоятларда ва Тошкент шаҳрида – Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармалари “Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаларига” айлантирилди.

Ушбу фармонни қабул қилиниши билан «Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида» 1994 йил 7 февралдаги ПФ-758-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг номини ўзгартириш

тўғрисида» 2005 йил 4 майдаги ПФ-3603-сонли, «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сонли фармонлари ўз кучини йўқотди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 30 декабрдаги 374-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг” низоми ва ташкилий тузилими тасдиқланди.

Низомга кўра қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилар этиб белгилаб берилди:

- хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларидаги давлатга тегишли активларни ҳамда акциялар пакетлари (улушлари)ни хусусий мулкка сотиш, давлат мулкининг хусусий мулк эгаларига сотилишида очиқлик ва ошкораликни таъминловчи давлат мулкидан чиқаришнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятларининг улар томонидан бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш бўйича тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- энг аввало, акциядорлик жамиятларининг капиталлашуви ва рентабеллиги ўсишини рағбатлантириш ҳисобига фонд бозорини, айниқса иккиламчи фонд бозорини ривожлантириш, тадбиркорлар ва аҳолининг хабардорлигини кенгайтириш, уларнинг биржа операцияларида фаол иштирокини таъминлаш бозор инфратузилмасини янада такомиллаштириш, савдоларни электрон шаклда ўтказишга тўлиқ ўтиш чора-тадбирларини тизимли асосда амалга ошириш;

- акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорларнинг ва кузатувчи кенгашларнинг ролини тубдан оширишга, миноритар

акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан ижро этувчи органларнинг акциядорлар олдидаги масъулиятини кучайтиришга йўналтирилган корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш;

- монополияга қарши самарали тартиботлар ўрнатиш ҳамда товар ва молия бозорларида рақобат чекланишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш, рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиб бориш;

- рақобат муҳитини ривожлантириш учун қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва зарур шарт-шароитларни шакллантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида инсофсиз рақобатга чек қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш, жамоат тузилмалари билан яқиндан мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, уларни, биринчи навбатда, янги инвесторларни жалб этиш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш янги рақобатбардош маҳсулот турларини ўзлаштириш ҳисобига молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва банкрот қилиш борасидаги функцияларни бажариш, судгача ва суд санациясини ўтказиш, банкрот корхоналарнинг ташқи бошқаруви бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Низомда Давлат рақобат қўмитасининг асосий функциялари унинг вазибаларига мувофиқ ҳолда қуйидаги йўналишларни ўз ичига олди:

а) хусусийлаштириш объектларини сотишдан олдин тайёрлаш ва реализация қилиш, инвесторлар томонидан мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб бориш соҳасида:

- ностратегик корхоналарда давлатнинг иштирокини қисқартиришни таъминлайди;

- манфаатдор давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларини жалб этган ҳолда хусусийлаштириш бўйича давлат дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

- хусусийлаштириш объектларини сотишдан олдин тайёрлашни амалга оширади ва хусусийлаштиришнинг, шу жумладан иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари корхоналарининг, аниқ инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган объектларни хусусийлаштиришнинг шартномавий шартларини белгилайди;

- хусусийлаштириш объектлари, шартлари ва шакллари юзасидан қабул қилинадиган қарорларнинг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлайди, хусусийлаштириладиган корхоналар - эмитентлар ва улар томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборотни тарқатади, шунингдек маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида реклама-ахборот ишларини амалга оширади;

- хусусийлаштириш объектларининг сотувчиси функциясини амалга оширади, уларнинг бошланғич сотув нархини, инвестициялар ҳажмини, савдоларнинг тури ва шартларини белгилайди, шу жумладан давлатга тегишли қимматли қоғозларни мустақил равишда ёки шартнома асосида жалб этиладиган маҳаллий ва хорижий инвестиция воситачилари орқали ички ва халқаро бозорларда, биржа савдолари ва биржадан ташқари савдоларда сотади;

- хусусийлаштириш объектларининг олди-сотдиси бўйича Давлат рақобат қўмитаси томонидан тузиладиган битимларнинг ўз вақтида ва тўлиқ

бажарилиши, шу жумладан инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши мониторингини олиб боради;

- янги мулкдорга хусусийлаштирилган объектга мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ордер (сертификат) беради, шунингдек харидорнинг хизмат кўрсатувчи депозитарийсига унинг томонидан сотиб олинган акцияларни ўтказишга (разблокировка қилишга) депо топшириғини тақдим этади;

- хусусийлаштириш билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилади ҳамда хусусий мулкдорлар томонидан хусусийлаштириш объеклари сотилишининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлайдиган хусусийлаштиришнинг янги шакллари ва усуллари жорий этиш, шу жумладан мулккий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш юзасидан таклифларни шакллантиради;

б) қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва корпоратив бошқарув соҳасида:

- қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга, шунингдек қимматли қоғозлар биржа савдоси тамойилларига риоя қилишни таъминлашга доир чоралар кўради;

- молиявий воситаларнинг янги турларини, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун зарур ресурсларни жалб этиш имконини берадиган қимматли қоғозлар ҳосилаларини жорий этишга кўмаклашади;

- давлат бошқарувининг манфаатдор органлари билан биргаликда қимматли қоғозлар бозорини, шунингдек ушбу бозорни ривожлантириш учун зарур муҳит ва инфратузилмани шакллантириш ва уларнинг амал қилиши жараёнларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўради;

- қимматли қоғозлар бозорида фуқароларнинг ва хорижий инвесторларнинг, шу жумладан инвестицион ва профессионал фаолиятни рағбатлантириш, қимматли қоғозлар бозорида жамоавий инвестиция қўйиш шартларини такомиллаштириш йўли билан фаоллигини ошириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

- савдоларни ўтказишнинг электрон шаклига ўтишни ва қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китоб қилишни назарда тутувчи қимматли қоғозлар бозори фаолият кўрсатишининг халқаро амалиётини жорий этиш чораларини кўради;

- корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилади ва корпоратив муносабатларни тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш юзасидан таклифларни шакллантиради;

- хўжалик жамиятларида корпоратив бошқаришни такомиллаштириш, шу жумладан уларнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш бўйича халқаро тамойиллар ва қоидалар асосида тавсиялар ишлаб чиқади;

- давлат-акциядорлик компанияларининг ва устав фондида давлат улуши бўлган, республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган бошқа хўжалик жамиятларининг ижроия органи ҳамда кузатув кенгаши раҳбарларининг корпоратив бошқаришнинг сифатли тизимини жорий этиш бўйича ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида вақти-вақти билан эшитилишини ташкил этади;

- давлат активларини самарали бошқариш бўйича «Давлат активларини бошқариш маркази» ДУКнинг ҳамда корпоратив бошқариш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда улар фаолияти мониторингини олиб боради, шунингдек уларнинг самарали ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлайди;

- акциядорлик жамиятларида бошқарув ва назорат органлари фаолиятининг амалий масалаларини акс эттирувчи корпоратив бошқариш бўйича қўлланмалар чиқаради, шунингдек инвесторлар ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларини таълим жиҳатидан қўллаб-қувватлашнинг шакллантирилишига кўмаклашади;

- халқаро ташкилотлар доирасида икки томонлама ва кўп томонлама самарали ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш йўли билан корпоратив бошқариш

ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш соҳасидаги халқаро муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашади;

в) давлат мулки объектларини тасарруф этиш, шу жумладан уларни хатловдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва самарали бошқариш соҳасида:

- давлат корхоналари ва муассасаларининг, шунингдек давлат корхоналари ва муассасаларини хусусийлаштириш жараёнида ташкил этиладиган хўжалик жамиятларининг Ўзбекистон Республикаси номидан муассиси бўлади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси номидан давлат акциялар пакети (улуши) бўйича хўжалик жамиятларининг акциядори (иштирокчиси) ҳуқуқларини амалга оширади, шунингдек ушбу ҳуқуқларни ишончли бошқарувчиларга ва бошқа шахсларга беради;

- «Давлат активларини бошқариш маркази» ДУК бошқарувига бериладиган хўжалик жамиятлари акциялари пакетлари (улушлар) рўйхатини Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссиясига тасдиқлаш учун киритади;

- давлат кўчмас мулкни, давлат корхоналари ва муассасаларини, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларини, шу жумладан чет элдаги ва давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари иш кўрадиган хўжалик жамиятларининг, давлат кўчмас мулкни хатловдан ўтказди ва ҳисобга олади (хатловдан ўтказиш ва ҳисобга олиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тегишли ваколатли давлат органлари томонидан юритиладиган мол-мулк бундан мустасно);

- давлат акциялар пакетларини (улушларни) ва бошқа мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этиладиган ва фаолият кўрсатаётган хўжалик жамиятларининг устав фондларига киритади;

- давлат мулки бўлган мол-мулкнинг ижарага берувчиси бўлади, ушбу ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқи бошқа давлат органлари ва ташкилотларига берилган ҳоллар бундан мустасно;

- давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат корхоналарига давлат мулкни бериш юзасидан давлат корхоналари ташкил этилиши келишилишини амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ давлат мулкни бошқариш масалалари бўйича давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

- республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари рўйхати бўйича таклифларни Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши юзасидан мониторинг олиб бориш комиссиясига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритади;

- хўжалик жамиятларида давлат улушларини бошқариш бўйича давлат ишончли вакиллари ва инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиларини, шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқидан фойдаланувчи («олтин акция») давлат вакиллари тайинлаш ва озод этиш юзасидан таклифларни Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссиясига кўриб чиқиш учун киритади;

- давлатнинг ишончли вакиллари, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса — бошқа юридик шахслар билан хўжалик жамиятларидаги давлат улушларини ишончли бошқариш шартномалари тузилишини таъминлайди;

- давлатнинг ишончли вакиллари, давлат активларини ишончли бошқарувчилар фаолияти мониторинги олиб борилишини таъминлайди, акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишларида ва кузатувчи

кенгашлар мажлисларида овоз бериш тартиби бўйича уларга кўрсатмалар беради, шунингдек уларни тақдирлаш тартибини белгилайди;

- устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилади, жамиятнинг бизнес-режаси параметрлари мунтазам равишда бажарилмаган тақдирда эса — жамиятнинг ижро этувчи органи таркибини ўзгартириш ташаббуси билан чиқади;

г) монополияга қарши тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш ва табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш соҳасида:

- монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш, рақобатни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади, уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, бошқа давлат органларига ва хўжалик бошқаруви органларига юборади;

- рақобатга қарши хатти-ҳаракатларни ва тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)нинг асоссиз ўсишини аниқлайди ва уларнинг олдини олади;

- товар ва молия бозорларида рақобат муҳитининг ҳолатини ўрганади ва хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳларининг устунлик мавқеини аниқлайди, шахслар гуруҳлари қатнашчиларининг таркибини аниқлайди;

- товар ёки молия бозорида устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва табиий монополиялар субъектлари давлат реестрларини шакллантиради ва юритади;

- хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, уларни қўшиш ёки бирлаштиришда, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондида (устав капиталида) акцияларни (улушларни) сотиб олишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш, шунингдек табиий монополиялар субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатишда табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

- табиий монополиялар субъектларининг товарлари (ишлари, хизматлари)га нархлар ва тарифларни таҳлил қилади ҳамда табиий

монополиялар субъектлари томонидан тақдим этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг асоссиз ошириб юборилишидан ва сифати пасайишидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

- тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)га ва товарлар (ишлар, хизматлар)га устама нархларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

- табиий монополиялар субъектлари ва устунлик мавқеини эгаллаган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини нархларни шакллантиришда декларация қилиш (тасдиқлаш) учун тақдим этилган ҳисоб-китобларнинг асосланганлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширади;

- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органлари реестрини юритади ва эълон қилади;

- марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган капитал қурилишда бошланғич нархлар шаклланиши устидан назоратни амалга оширади;

- ўз ваколатлари доирасида хўжалик юритувчи субъектларни инсофсиз рақобатчилардан ва давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчи хатти-ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилишни таъминлайди;

- ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг товар ёки молия бозорларига киришини таъминлаш бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар ижро этилишини назорат қилади;

- маҳсулотларнинг монопол турларини биржа савдоларига қўйиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилади;

- маҳсулотларнинг юқори ликвидли ва монопол турларини биржа савдоларига қўйилишини белгиланган тартибда назорат қилади;

- танлов (тендер) ва биржа савдолари ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади;

- табиий монополиялар субъектлари томонидан товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш тартибига риоя этилишини назорат қилади ва мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчилар рўйхатини аниқлаш юзасидан таклифлар киритади;

- устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва табиий монополияларнинг товарларига (ишларига, хизматларига) харажатларни камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

- юридик шахснинг индивидуаллаштирилган воситаларига ва товарни индивидуаллаштириш воситаларига мутлақ ҳуқуқни сотиб олиш билан боғлиқ инсофсиз рақобат ҳолатларини аниқлайди;

д) истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш соҳасида:

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади;

- истеъмол товарларига нархлар ва хизматларга тарифлар мониторингини олиб боради, бозорда сифатсиз истеъмол товарлари ва хизматлар пайдо бўлишининг олдини олиш чораларини кўради;

- жамоат тузилмалари билан биргаликда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, шунингдек аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш бўйича маърифий ишлар олиб борилишини амалга оширади;

- реклама соҳасида инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик ва нотўғри рекламага барҳам бериш мақсадида реклама бозорини тартибга солиш чоратadbирларини кўради;

- давлат органлари билан биргаликда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва реклама соҳасида инсофсиз рақобатнинг олдини олишга

қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

е) банкротлик, иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш ва суд бошқарувчилари фаолияти устидан назорат қилиш соҳасида давлат томонидан тартибга солишни амалга ошириш соҳасида:

- устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий ҳолатини, шу жумладан тўловга қодир бўлмаган, зарар кўриб ишлайдиган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида маълумотлар базасини юритиш йўли билан мониторинг ва таҳлил қилади, шунингдек манфаатдор давлат органлари билан биргаликда уларни молиявий соғломлаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг таклифлари асосида банкротлик таомилларини қўллаш ташаббуси билан чиқиш, устав фондида давлат улуши бўлган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш ва ихчамлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади;

- устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарда банкротлик таомилларининг бориши устидан назоратни ташкил этади, шунингдек судгача санация, суд санацияси ва ташқи бошқарув режаларини келишади;

- тижорат банкларига берилган (реализация қилинган) банкрот корхоналар бўйича ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб боради;

- иқтисодий ночор корхоналарда банкротлик ёки судгача санация таомилларини амалга оширишда кредиторларнинг манфаатлари ва акциядорлар (қатнашчилар)нинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

- устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида қарздор бўлган корхоналарнинг

судгача санациясини ўтказиш, узайтириш ёки муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида, шунингдек судгача санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- таркибий ўзгартирилиши керак бўлган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик таомиллари қўлланилган корхоналарнинг қурилиши тугалланмаган объектларини ҳамда асосий фондларини консервация қилиш ва сотиш масалаларини кўриб чиқади ва бу ҳақдаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

- суд бошқарувчиларини тайёрлаш тизимини ташкил этади, уларни аттестациядан ўтказиши ҳамда суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритади, суд бошқарувчилари аттестатини бериш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- давлат томонидан қўллаб-қувватланган корхоналарнинг судгача санациясини узайтириш ва муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- зарар кўриб ишлаётган, тўловга қодир бўлмаган ва иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш, ихчамлаштириш, молиявий соғломлаштириш ва судгача санацияни амалга ошириш даврида қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг зарар кўриб ишлайдиган ва иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш дастурларини амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади;

- ташқи бошқарувчиларнинг, шунингдек давлат томонидан қўллаб-қувватланган ёхуд мулкида давлат улуши бўлган санация қилинаётган корхоналар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

ж) биржа, баҳолаш ва риэлторлик фаолиятини лицензиялаш соҳасида:

- биржа, баҳолаш ва риэлторлик фаолиятини лицензиялайди;

- баҳоловчилар ва риэлторларга малака талабларини белгилайди, уларга малака сертификатлари беради;

- лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади;

- биржалар, баҳолаш, риэлторлик ташкилотлари ва риэлторларнинг лицензиялари ҳамда баҳоловчилар ва риэлторларнинг малака сертификатлари реестрини юритади;

з) фаолиятнинг бошқа соҳаларида:

- Давлат рақобат қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

- Давлат рақобат қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ва методологик базани ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;

- Давлат рақобат қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида зарур хатти-ҳаракатларни амалга оширади;

- Давлат рақобат қўмитаси ваколатига кирадиган масалаларнинг ҳал этилиши бўйича сансалорлик, бюрократизм, муддатлар чўзилиши ҳолатларини аниқлайди ва уларнинг бартараф этилишини таъминлайди;

- кадрларни қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишни таъминлайди, Давлат рақобат қўмитаси ҳамда идоравий мансуб тузилмаларининг раҳбарлари ва мутахассисларини аттестациядан ўтказди;

- халқаро ҳамкорликни ва ўзига юкланган бошқа функцияларни амалга оширади.

Давлат рақобат қўмитаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ҳудудий органлар ва унинг идоравий мансуб тузилмалари орқали амалга оширади.

### **2.3. Тошкент вилоятида рақобат муҳитини шаклланиши ва унда ҳудудий бошқарманинг ўрни ва аҳамияти**


Тошкент вилоятида тадбиркорликни барқарор ривожланаётган соҳа сифатида баҳолаш мумкин. Вилоятнинг юқори интеллектуал салоҳияти ва иш кучи сифатининг нисбатан юқорилиги унда ўзига хос тадбиркорлик муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Аҳолининг ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги вилоят кадимдан шаклланган анъанавий ҳунармандчилик, касибчилик, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқаришда намоён бўлади.

Йирик саноат ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги саноатга хизмат кўрсатувчи кичик бизнес субъектларининг шаклланишига имкон яратмоқда, дейиш мумкин. Бундан ташқари, йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини йўлга қўйган ҳолда янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш борасида кичик ва хусусий корхоналарни жалб этиш борасида ҳам катта имкониятлар мавжуд. Металлга ишлов бериш, тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ёғоч ўймакорлиги, терига ишлов бериш, дурадгорлик, кулолчилик, сопол буюмлар тайёрлаш ва бошқа кўплаб маҳаллий ҳунармандчилик анъаналари саноат соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Вилоятда фаолият юритаётган кичик корхоналарнинг аксарияти озиқ-овқат товарлари, енгил саноат, қурилиш материаллари ва металлга ишлов бериш бўйича кўп меҳнат талаб этадиган соҳаларда иш олиб бормоқда. Айни вақтда фармацевтика ва маиший электр маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида иш олиб бораётган кичик корхоналар фаоллиги кузатилмоқда.

2010-2016 йиллар давомида Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий бизнес субъектлари сони 1,6 мартадан кўпроққа ошиб, 2016 йилда 23,9 мингтани ташкил қилган. Таъкидлаш лозимки, кичик бизнеснинг ЯХМ даги улушини таққослама баҳолаганда, Тошкент вилояти

республиканинг қолган ҳудудлари орасида ўртача республика кўрсаткичидан юқори улуш билан 11-ўринни эгаллайди (8-расм).




**8-расм. 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши,<sup>28</sup> %**

Шу билан бирга, кичик бизнеснинг Тошкент вилояти ЯХМ даги улуши динамикасининг таҳлили ЯХМнинг асосий қисми кичик корхона, микрофирма ва яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига тўғри келишини кўрсатмоқда. Бунда саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳамда уларда кичик корхоналар улушининг ортиши асосий аҳамиятга эга (9-расм). Таҳлил қилинаётган даврда Тошкент вилояти ЯХМ да кичик бизнеснинг улуши деярли 2 мартага (республика бўйича 1,8 марта) ошган.

Кўмир, рангли металллар ва қурилиш материалларининг мавжуд бой захиралари вилоятда кора ва рангли металлургия, кимё, озиқ-овқат, енгил ва қурилиш материаллари саноатининг ривожланишини белгиловчи омил ҳисобланади. Шунга қарамасдан, бу йўналишларда тадбиркорлик

<sup>28</sup> Манба: Тошкент вилояти статистика бошқармаси бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

фаолиятини ривожлантириш салоҳиятидан самарали фойдаланилаяпти, деб бўлмайди.






#### 9-расм. Тошкент вилояти асосий кўрсаткичларида кичик бизнеснинг улуши<sup>29</sup>, фоизда

Туманлар кесимида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича кичик бизнеснинг энг юқори улуши Юқоричирчиқ (93,4%), Паркент (65,3%) ва Қибрай (63,6%) туманларига тўғри келмоқда.

Кичик бизнес ривожланишининг ижобий омилларидан бири - бу қурилиш соҳасида унинг улушининг жадал ошиши ҳисобланади. Республикада амалга оширилган қурилиш ишларининг деярли 8 фоизи Тошкент вилоятига тўғри келмоқда. Қурилиш ишларида кичик бизнеснинг улуши асосан Оққўрғон (100%), Пискент (98,3%) ва Бекобод (97,4%) туманларида энг юқори кўрсаткични ташкил қилмоқда.

<sup>29</sup> Манба: Тошкент вилояти статистика бошқармаси бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.



**10-расм. Тошкент вилояти иқтисодиётининг асосий тармоқларида  
кичик бизнеснинг фаоллиги<sup>30</sup>**

Экспортга йўналтирилган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кичик бизнеснинг экспортдаги улушининг 2000 йилга нисбатан 2016 йилда 2,4 пунктга ошишига хизмат қилган. Бироқ, охириги йилларда вилоят корхоналари томонидан экспорт қилинадиган хомашё маҳсулотларига

<sup>30</sup> Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

жаҳон бозорида талабнинг қисқарганлиги сабабли 2014 йилда 2011 йилга нисбатан 1,1 пунктга камайган (10-расм).

Кичик саноат корхоналари умумий экспорти таркибида енгил ва озиқ-овқат тармоқларининг улуши юқори бўлмоқда.

Таъкидлаб ўтилган сифат ўзгаришлари ҳудудий меҳнат бозорларининг шаклланиши ва ривожланишида, шунингдек, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш ва бандликни таъминлашда кичик бизнеснинг роли юқорилигидан далолат беради. 2016 йилда кичик бизнеснинг улушига мамлакат иқтисодиётида яратилган янги иш ўринларининг 480 мингтаси тўғри келди. Янги иш ўринларини яратиш борасида кичик бизнеснинг фаоллиги соҳасидаги бандлар сонининг таҳлил қилинаётган даврда 2,1 марта (республика ўртача кўрсаткичи 2,4 мартага) ошган.

Тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари Тошкент вилоятида нисбатан юқори малакали ишчи кучи ва маҳаллий ташаббускорлик мавжудлигини кўрсатса-да, замонавий талабларга жавоб берадиган малакали ишчи кучининг етишмаслиги асосий муаммолигича қолмоқда. Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишига тўсқинлик қилувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, уларга нотариал хизматлар кўрсатиш соҳасидаги муаммоларни, тадбиркорларга кўрсатилаётган маркетинг ва консултиватив хизматлар даражасининг пастлигини, ишлаб чиқаришга ер олиш жараёнининг узок чўзилиши (бу жараён 6 ойдан 12 ойгача давом этиши мумкин), тадбиркорларнинг вилоят имкониятлари ва табиий-иқтисодий салоҳияти тўғрисида хабардор эмаслигини, бўш турган ва фойдаланилмаётган объектлар ҳақида тўлиқ маълумот берилмаслиги кабиларни киритиш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли вазиятлардан бири - бу электрэнергияси билан узлуксиз таъминлаш масаласидир. Шу сабабли энергия тежовчи технологияларни киритишни ва улардан фойдаланишни рағбатлантирувчи қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш орқали ишлаб чиқаришнинг

энергия сигимини камайтириш ҳамда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Кичик бизнесни ривожлантиришнинг асосий молиявий манбалари аҳолининг ўз маблағлари, банк кредитлари ва чет эл инвестициялари ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағларининг етишмаслик ҳолатлари мавжудлиги уларнинг кредит ресурсларига бўлган талабини оширмоқда. Аммо барча субъектлар ҳам етарлича мол-мулк кафиллигига эга эмаслиги кредит ресурсларига бўлган талабнинг чегараланишига сабаб бўлмоқда. Мавжуд кредитлаш механизмидаги юқори гаров таъминоти ва фоиз ставкалари бу борада кўзланган самарани бермаяпти.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, молиявий соҳани ривожлантиришга, зарурий инфратузилмани (молиявий ташкилотлар, ихтисослаштирилган фондлар ва бошқалар) шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Хўжалик юритувчи субъектлар учун молиявий ресурсларнинг шаффофлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, жумладан, кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш учун кредитлар ажратиш жараёнини соддалаштириш, конвертацияга қўйиладиган кредитлар учун фоиз ставкалари белгилаш муддатларини қайта кўриб чиқиш, воситачилик кафолатлари олиш, устувор лойиҳалар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, тадбиркорларни янги техника ва технологияларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга киритиш бўйича замонавий лойиҳаларни амалга ошириш жараёнига ва бизнес алоқаларини йўлга қўйиш учун инновацион ярмаркаларга жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман олганда, тадбиркорликни ривожлантириш вилоятда ишбилармонлик муҳитини яхшилашни талаб этади. Ишбилармонлик муҳитини яхшилашда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш муҳим

аҳамиятга эга: рақобатдош, юқори сифатли маҳаллий хомашё ва материаллар бозори ривожланишини рағбатлантириш; бизнесни ташкил қилиш ва юритишни енгиллаштириш учун шароит яратиш - маъмурий тартиб-таомилларни тезлаштириш ва тўсиқларни камайитириш; бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва юритиш билан боғлиқ транзакция харажатларининг камайишини таъминлаш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, Тошкент вилоятида тадбиркорликни ривожлантиришда иккита асосий масала яққол кўзга ташланмоқда.

1. Минтақада маҳаллий ташаббускорликни ошириш истиқболлари. Маҳаллий ташаббускорликни оширишнинг минтақа учун энг муҳим жиҳатларидан бири - бу йирик саноат билан кичик бизнес ўртасидаги кооперацион алоқаларни янги даражага кўтаришдир. Бу борада вилоят бошқа ҳудудларга нисбатан катта имкониятларга эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари билан йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида иқтисодий алоқаларни боғловчи лойиҳалардан бири - бу аутсорсинг хизматини замонавий йўлга қўйишдир. Булардан бири сифатида саноат йўналишидаги тадбиркорларнинг тарқоқ фаолиятини уюшган саноат ишлаб чиқариш даражасига кутариш мақсадида барча ҳудудларда кичик саноат зоналарини шакллантиришга жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади. Айни пайтда вилоятда ташкил этилган саноат зоналарининг деярлик барчасида электр, сув, газ таъминоти ва бошқа коммуникациялар яхши ташкил этилмаганлиги туфайли юқори натижаларга эришилмаяпти.

Йирик саноат билан кичик бизнесни боғлашда "Янгиликларни техник жорий қилиш парклари" ташкил этишни яна бир муҳим йўналиш сифатида таклиф қилиш мумкин. Вилоятда мавжуд йирик саноат корхоналарининг янгиликларни тез ўзлаштиришга мойиллиги ва бу борада мослашувчанлиги, бозор шароитидан келиб чиққан ҳолда таваккалчиликларга бориш имкониятлари кичик бизнесга нисбатан анча паст даражада. Шу туфайли ҳам вилоят саноатида инновацион ишланмаларни ўзлаштириш жуда паст

даражада қолмоқда. Бунинг учун, энг аввало, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, яъни уларни юқори технологик даражада ўзлаштириш (имитация қилиш) вилоят саноати учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу йўналишда биринчи босқичда (2020 йилгача) маиший техника маҳсулотлари ва машинасозликда деталлар ва бутламалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иккинчи босқичда эса (2020-2030 йилларда) ушбу маҳсулотларнинг инновацион турларини яратиш борасида иш олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Умуман олганда, "Янгиликларни техник жорий қилиш паркилари" ташкил этишни концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш керак.

## II-Боб бўйича хулоса

Диссертациянинг II-Боби Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмак бериш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг рақобат муҳитини шакллантириш ҳолати таҳлили деб номланиб, унда Тошкент вилояти рақобат муҳитининг ривожланганлик ҳолати таҳлили, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмак бериш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг рақобат муҳитини шакллантиришдаги ташкилий функционал вазифалари таҳлили ва Тошкент вилоятида хусусийлаштирилган корхоналар рақобат муҳитини шаклланиши ва унда ҳудудий бошқарманинг ўрни ва аҳамияти каби режалар кўриб чиқилган.

Хулоса қилиб айтганда Ҳудудлар даражасида реал сектор корхоналари фаолиятининг тамоқлар кесимида ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида жойлашуви, демографик ва табиий-иқлим шароити бошқа ҳудудлардан нисбатан фарқ қилувчи Тошкент вилояти ҳудудий иқтисодиёти таркибидаги реал сектор соҳаларини танлаб олинди.

Тошкент вилояти республикадаги ҳудудлар ичида нисбатан саноатлашган, аграр тармоқ соҳалари яхши ривожланган, ҳизмат кўрсатиш ва

бошқа соҳалар тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳудудлардан ҳисобланади.

Вилоят иқтисодининг асосини саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, пахтани қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати ташкил этади.

Тошкент вилоятида тадбиркорликни барқарор ривожланаётган соҳа сифатида баҳолаш мумкин. Вилоятнинг юқори интеллектуал салоҳияти ва иш кучи сифатининг нисбатан юқорилиги унда ўзига хос тадбиркорлик муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Аҳолининг ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги вилоят кадимдан шаклланган анъанавий ҳунармандчилик, косибчилик, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқаришда намоён бўлади.

Йирик саноат ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги саноатга хизмат кўрсатувчи кичик бизнес субъектларининг шаклланишига имкон яратмоқда, дейиш мумкин. Бундан ташқари, йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини йўлга қўйган ҳолда янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш борасида кичик ва хусусий корхоналарни жалб этиш борасида ҳам катта имкониятлар мавжуд.

Вилоятда фаолият юритаётган кичик корхоналарнинг аксарияти озиқ-овқат товарлари, енгил саноат, қурилиш материаллари ва металлга ишлов бериш бўйича кўп меҳнат талаб этадиган соҳаларда иш олиб бормоқда. Айни вақтда фармацевтика ва маиший электр маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида иш олиб бораётган кичик корхоналар фаоллиги кузатилмоқда.

### **III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

#### **3.1. Ўзбекистон Республикасида мамлакатларида рақобат муҳитини такомиллаштириш моделлари**

Рақобатбардошлик ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг барқарор ва изчил ривожланиши асосий омили ва муҳим иқтисодий мезонидир. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги даражасининг ортиб бориши мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини белгилашда ва ривожланган давлатлар каторидан жой олишида муҳим ўрин тутди. Айнан шу йўналишда жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган ва ўз самарасини бериб келаётган бир қатор микроиқтисодий омиллар мавжуддир. Бозор иқтисодиёти ўзининг етуқлик даражаси ва ривожланиш хусусиятларидан қатъи назар, рақобатнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Рақобат товар хўжалиги ва бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси, уни ривожлантириш воситаси ҳисобланади. Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш унга турли нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилади. Мутахассислар фикрича, “рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман, товар хўжалигининг энг муҳим белгиси, ривожлантириш усулидир”. Ф.Найтнинг фикрича, “рақобат фирмаларнинг чекланган тўловга қодир талаб учун кураши ёки бир қанча мустақил хўжалик бирликларининг ноаниқлик шароитида ўзаро муносабати”дир<sup>31</sup>.

Унинг таълимотича, рақобатнинг функцияси технологияни танлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини танлашга боғлиқ бўлиб, бу бозор ҳақида ахборотни тушунишга ёрдам беради. Бунда рақобатнинг роли талаб ва таклифнинг ўзаро мослашувини таъминлаш ва барқарорликни ўрнатишда муҳим аҳамиятга эгадир. Рақобатнинг эволюцион талқинига кўра, “рақобат хулқ-атворнинг самарали шакллари қидириш ва бир вақтнинг ўзида уларни саралаш амалга ошириладиган динамик жараён”дир.

Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат пировардида истеъмолчиларни ўзига жалб этиш учун курашни англатади.

---

<sup>31</sup> Kotler, P. Marketing Management. 2 nd ed. Englewood Cliffs, N. J.: Prentice-Hall, 1972.

Рақобат истеъмолчилар ўртасида ҳам юз беради: улар товарларни қулай ва арзон нархларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар, яъни харидор ҳар бир сарфланган пул бирлиги эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлишга интилади. Бу муносабатларни қуйидагича ифодалаш мумкин (11-расм).



**11-расм. Рақобат иштирокчиларининг асосий мақсадлари**

Чизмадан кўринадик, ишлаб чиқарувчилар ўртасида сарфланган харажатларнинг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун кураш боради. Мана шу фойда орқасидан қувиш натижасида улар товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозорлар, арзон хомашё, энергия ва арзон ишчи кучи манбалари учун курашади.

**М.Портер концепцияси.** 1982 йилда М.Портер кенгайтирилган рақобат концепциясини таклиф этди (12-расм).


Унга кўра, фирманинг бозордаги рақобат афзаллигидан фойдалана олиш қобилияти у дуч келаётган рақобатгагина эмас, балки бозордаги потенциал рақиблар, ўринбосар товарлар, мижозлар ва етказиб берувчилар каби кучларнинг таъсирига ҳам боғлиқдир.



12-рasm. М.Портернинг рақобат концепцияси<sup>32</sup>

Бунга мувофиқ, М.Портер концепциясини қуйидагича тасаввур қилиш ҳам мумкин (13-рasm): Тармоқ ичидаги рақобат деганда бир тармоққа кирадиган фирмалар ўртасида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай шароитлари, яхши фойда олиш учун курашиш тушунилади.

Ҳар бир тармоқда корхоналарнинг техник даражаси ва меҳнат унумдорлиги даражалари турлича бўлганлиги сабабли улар чиқараётган товарларнинг индивидуал қиймати ҳам турличадир. Товар хўжалигида қиймат қонуни амал қилади, шу боис, турли индивидуал қийматлар ижтимоий бозор қийматига келтирилади.



13-рasm. М.Портернинг рақобат концепцияси муаллиф талқинида<sup>33</sup>

<sup>32</sup> Porter, M. E., and Spence, M. "Capacity Expansion in a Growing Oligopoly: The Case of Corn Wet Milling," Discussion paper, Harvard Graduate School of Business Administration, 1978.

<sup>33</sup> Манба: Муаллиф ишланмаси

Иқтисодий адабиётларда бир тармоқ ичидаги рақобатнинг тўртта шакли алоҳида ажратиб кўрсатилади. Булар эркин рақобат, монополистик рақобат, соф монополия ва олигополиядир<sup>34</sup>.

*Эркин рақобат* шароитида тармоқда бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи кўп сонли корхоналар мавжуд бўлади. Эркин рақобат шароитида тармоққа янги корхоналар эркин кириши ёки тармоқдаги мавжуд бўлган корхоналар уни эркин тарк этиши мумкин. Пайдо бўладиган янги корхоналарнинг рақобатли бозорда маҳсулотларини сотишига ҳукукий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар кузатилмайди.

*Монополистик рақобат* ўз ичига ҳам монополия, ҳам рақобат унсурларини қамраб олади. Бунда тармоқдаги бир турдаги маҳсулотнинг ўнлаб ишлаб чиқарувчиси бир-бири билан қулай нарх ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш борасида рақобатлашади. Айни пайтда ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини табақалаштириш, яъни шу турдаги бошқа маҳсулотлардан қайси бир жиҳати (сифат даражаси, шакли, қадокланиши, сотиш шароитлари ва ҳ.к.) бўйича фарқлантириш орқали унинг монопол ишлаб чиқарувчисига айланади.

Соф монополияда тармоқ битта фирма ёки ишлаб чиқарувчидан иборат бўлиши сабабли у мавжуд маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ва якка ҳукмрони ҳисобланади.

Олигополиянинг энг муҳим белгиси эса тармоқда у қадар кўп бўлмаган корхоналарнинг мавжуд бўлиши ва ҳукмронлик қилишидир.

Олигополия шароитида корхоналар ўртасидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлади. Олигополистик тармоқда ҳеч қайси фирма ўзининг нарх сиёсатини мустақил ўзгартиришга ботина олмайди.

Микродаражада биз қараб чиқаётган тармоқ ичидаги рақобатнинг мазкур тўрт шакли миллий иқтисодиётда соф ҳолда учрамайди.

---

<sup>34</sup> Porter, M. E., and Spence, M. "Capacity Expansion in a Growing Oligopoly: The Case of Corn Wet Milling," Discussion paper, Harvard Graduate School of Business Administration, 1978.

Тармоқлараро рақобат деганда турли тармоқлардаги фирма ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида энг юқори фойда учун бўладиган курашни тушунамиз.

Тармоқлараро рақобат кураши капитални яхши фойда келтирадиган соҳаларга жойлаштириш учун кечади. Қаерда фойда кўп бўлса, шу ерга ресурслар оқиб ўтади. Бинобарин, шу ердаги товарга талаб кўп бўлади ва яхши фойда келтиради.

Рақобатнинг яна бир тури ноформал, яъни жамият томонидан қораланадиган ғирром рақобатдир. Микродаражадаги фирма ва ишлаб чиқарувчилар айрим ҳолларда рақобат курашида ғайриқонуний усуллардан ҳам фойдаланадилар. Бунда улар рақобатни тартибга солишда давлат томонидан қўлланиладиган қонун-қоидаларга қарши иш тутадилар. Шунга кўра, ғирром рақобатнинг ғайриқонуний усуллари қуйидагиларни киритиш мумкин (14-расм).



**14-расм: Ғирром рақобатнинг ғайриқонуний усуллари.**

Истеъмол бозори талабининг доимий ўзгарувчанлиги шароитида саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг долзарблиги ва натижавийлиги қуйидагиларга боғлиқдир:

- халқаро ва миллий стандарт талабларига мос сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш ва истеъмолчи (харидор)лар талабини қондириш;
- маҳсулот сотиш бозорларини кенгайтириш ва маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш;
- технологик жараёнларнинг хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш орқали хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш.

А.Смит ва М.Веберлар таълимотига кўра, рақобатнинг мазмуни рақибга нисбатан устунликка эришиш бўлса, рақобатнинг объекти эса неъматлар, ресурслар, истеъмолчиларнинг товар сотиб олиш қобилиятидир. Й.Шумпетернинг таъкидлашича, “Рақобат – янгилик билан эскилик ўртасидаги кураш ёки бунёдкорона бузиш жараёнидир”.

Рақобатнинг функционал ифодасига кўра: “Рақобат – янгилик, янги имкониятлар топиш ва уларни қаноатлантириш усуллари” (И.Кирцнер) ёки “Рақобат – бу ихтиро процедурасидир” (Ф.Фон Хайек)<sup>35</sup>. Ш.Эргашходжаеванинг фикрича эса, “Рақобат умумижтимоий категория бўлиб, ижтимоий жараёнлар қатнашчилари ўртасидаги яхшироқ яшаш шароити учун бўладиган курашни англатади”<sup>36</sup>.


Рақобатнинг табиати, бозорнинг ҳолати ва ривожланиш жараёнини ўрганишда алоҳида ёндошувлар асос бўлиб хизмат қилади. Бунда статик ва динамик рақобат турларидан фойдаланилади. Статик рақобат – бу тузилмавий ёндошув бўлса, динамик рақобат хулқ-атвор, ишбилармонлик муҳити, функционал ва эволюцион ёндошувдир (1-чизма).

Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни

<sup>35</sup> Hayek F.A. The Use of Knowledge in Society // American Economic Review. 1945. V.35. Sept. 4.

<sup>36</sup> Ш.Д. Эргашходжаева. Халқаро рақобат. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2013 й

ифодалайди. Бизнинг фикримизча, рақобат –иқтисодий манфаатларнинг тўқнашиши ёки юқори фойда (даромад) олиш, имижга ва нафлиликка эга бўлиш учун бозор субъектлари ўртасидаги курашдир.



**15-расм. Рақобатнинг табиати ва бозорнинг ҳолатига йўналтирилган ёндошув.**

Иқтисодиётдаги рақобат эса, яхши даромад кўриш, ўзи машғул ишни ривожлантириш учун бор қобилият ва имкониятларини тўлароқ ишга солиш жараёнидир. Дарҳақиқат, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий мақсади – мамлакатдаги мавжуд табиий ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда саноатлашиш самарасига эришмоқлик ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилмоғи лозимдир.

### **3.2. Рақобат муҳитини такомиллаштиришнинг хориж тажрибаси ва уни Ўзбекистон амалиётида қўллаш имкониятлари**

Юртимизда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш орқали нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорларда ҳам ҳаракат қилиш, рақобат муҳитини шакллантириш, халқаро рақобат муҳиtida устунликка эришиш мумкиндир. Фикримизча, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти тизимига серқирра интеграциялашуви жараёнида маҳаллий саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишга қаратилган стратегик мақсадларга эришиш – ўз навбатида тармоқ корхоналарда ишлаб чиқариш сифатини бошқариш тизимини халқаро стандарт талабларига мослигини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий ва илмий-услубий асосларини такомиллаштириш зарурлигини талаб этади.

Экспертларнинг таъкидлашича, мунтазам маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ҳамда мунтазам ривожлантириб бориш қуйидаги ижобий натижаларни таъминлаш имконини беради:

- ишлаб чиқаришнинг бозор ва истеъмолчилар талабларига ўз вақтида мослигини таъминлайди;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятлари ва сифатини яхшилайдди.

Н.Халиловнинг таъкидлашича<sup>37</sup>, халқаро стандарт талаблари умумий бўлиб, ходимлар сони ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот туридан қатъи назар ҳар қандай тармоқ, корхона ёки ташкилотда жорий этилиши ўринлидир.

М.Саучик нинг таъкидлашича, сифат менежменти тизими ва халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

*1-босқич.* Корхонанинг ISO 9001:2008 СМТга мувофиқлиги борасида диагностик аудит ўтказиш. Бунда корхона бошқарув тизимининг ISO 9001:2008 талабларига мувофиқлиги аниқланади.

---

<sup>37</sup> Н.Х.Халилов. Саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. Т.: - Ношир, 2014 й.

*2-босқич.* Ходимларни ISO 9001:2008 га ўқитиш. Бунда ISO 9001 нинг моҳияти ва талаблари ўргатилади. Ишчи гуруҳ шакллантирилиб, масъулияти белгиланади.

*3-босқич.* ISO 9001:2008 СМТ ҳужжатларини ишлаб чиқиш. Бунинг асосий мақсади, ISO 9001:2008га ўтиш босқичини ўрнатилган тартибда ҳужжатлаштиришдир.

*4-босқич.* ISO 9001:2008 СМТни жорий қилиш. Бунда корхона ёки ташкилот ходимлари СМТга ўқитилади ва ISO 9001:2008 нинг амалиётга жорий этилиши таъминланади.

*5-босқич.* ISO 9001:2008 СМТни таҳлил қилиш. Бунда ички аудиторлар СМТ аудитини ўтказишга ўқитилади ва СМТнинг сертификатлашга тайёрлик даражаси аниқланади.

*6-босқич.* ISO 9001:2008 СМТнинг сертификатлаш бўйича аудитини ўтказиш. Бу босқичда қисқа муддатли сертификатлаш аудити ўтказилиб, харажатлар оптималлаштирилади ва пировард натижада ISO 9001:2008 сертификати қўлга киритилади<sup>38</sup>.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда халқаро стандартларни жорий этишдан манфаатдорлик суғлиги, мазкур йўналишда етук менежер ва мутахассислар етишмаслиги кўплаб корхоналарда халқаро стандартларни жорий этишда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ҳозирги кунда республикамизнинг ички ва ташқи бозорларида барқарор талабга эга бўлган ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар тайёрлашни ташкил этиш мақсадида корхоналарда халқаро стандартларни жорий этиш масаласига катта аҳамият берилмоқда.

---

38 Cauchik M. The Strategic Role of Quality Management in the Brazilian Auto Parts Industry: An Empirical Study. In Strategic Management of Manufacturing Value Chain. Ed. by Bititci U. Kluwer Academic Publishers, 1998, Norwell, MA.

Экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда мажбурий ва ихтиёрий кўринишдаги сертификатлаш тартиби мавжуд бўлиб, сифат бошқаруви амалиётида етакчи ўринни ISO 9001:2008 стандарти тизими эгаллаб келмоқда ва унинг бозордаги улуши 85 фоизни ташкил этмоқда<sup>39</sup>.

“2020 йилгача бўлган даврда Сифат миллий инфратузилмасини ривожлантириш” давлат дастурига<sup>40</sup> мувофиқ иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида сифат менежменти тизимини жорий этишнинг замонавий йўналишлари белгилаб олинган бўлиб, ўз ичига қуйидаги сабъ-ҳаракатларни қамраб олган:

- “Ўзстандарт” агентлиги тизимида ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий қилишни оммалаштириш;
- озиқ-овқат, кимё, электротехника, машинасозлик, қурилиш ва енгил саноат соҳасида 12 та лабораторияни халқаро даражада аккредитация қилиш;
- шунингдек, 174 та халқаро стандартни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Бунинг натижасида ҳозирга қадар қуйидаги стандартлар талабларига мувофиқ сертификатлар тақдим этилган<sup>41</sup>. Жумладан:

- ISO 9001:2008 халқаро стандарти бўйича – 2096 та СМТ сертификати;
- ISO 14001:2004 экологик менежмент халқаро стандарти бўйича – 47 та СМТ сертификати;
- OHSAS 18001:2007 касбий хавфсизлик ва соғлиқ менежменти халқаро стандарти бўйича – 60 та СМТ сертификати;
- ISO 22000:2005 озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти халқаро стандарти бўйича – 47 та СМТ сертификати берилган.

Натижада ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган қўшилган қийматга эга маҳсулотлар тайёрлаш кўлами тобора ортмоқда<sup>42</sup>. Буни биргина мева-

---

<sup>39</sup> “Ўзстандарт” агентлиги статистик тўпламлари. 2008-2015 й.й.-Т.:2016.

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 октябрдаги “2020 йилгача бўлган даврда Сифат миллий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги “2015-2019 йилларда энергия сифимини қисқартириш, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича чоралар дастури тўғрисида”ги қарори.

<sup>42</sup> <http://XS.UZ/index.php/component/mailto>.

сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Фикримизча, республикамизда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш билан боғлиқ озиқ-овқат саноати корхоналарида сифат менежментини жорий этишнинг долзарблиги ва мақсадга мувофиқлиги куйидагича изоҳланади:

*1. Маҳсулот сифатини яхшилаш ва доимий такомиллаштириш зарурияти.* Маълумки, сифат менежменти тизимидаги мавжуд дастаклар ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифат кўрсаткичларининг тушиб кетиш сабабларини аниқлайди ва уларни яхшилаш имконини беради.

*2. Ишлаб чиқариш харажатларини мунтазам камайтириб бориш ва рақобатбардошликни ошириш зарурияти.* Сифатнинг яхшиланиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши натижасида яратиладиган маҳсулотларнинг истеъмолга яроқсиз бўлиш эҳтимоллиги камаяди, бунинг натижасида эса хомашё ва материалларга қилинадиган харажатлар ҳамда кутилиши мумкин бўлган зарарлар миқдори камаяди;

*3. Корхоналарда бошқарув тизимини яхшилаш зарурияти.* Экспертларнинг фикрича, маҳсулотларнинг сифат талабларига жавоб бермаслиги сабабининг 80 фоизи корхона бошқарувига, 20 фоизи эса ижро бўғинига боғлиқдир<sup>43</sup>.

Айни чоғда маҳаллий корхоналар маҳсулотларининг халқаро сифат талаблари ва стандартларига мос келиши – уларнинг халқаро бозорларда муносиб ўрин эгаллашидаги ролининг муҳимлиги шубҳасиз, албатта.

Бошқача қилиб айтганда, корхоналарда сифат менежменти тизими (СМТ)ни жорий этиш – ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини кафолатлаш, бозор иқтисодиётининг энг асосий элементларидан ҳисобланган рақобатни ривожлантириш ҳамда хўжалик

---

<sup>43</sup> Мескон М. Х. , Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. -М., “Дело”, 2009.

юритувчи субъектлар иқтисодий фаоляти самарадорлигини оширишнинг муҳим кафолатидир.

Республикамызда дунёда бўлгани каби аҳоли сонининг кундан-кунга кўпайиши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ҳам ошишига олиб келмоқда. Бундай вазият деҳқон хўжалиги соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш лозимлигини кўрсатади. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ белгиланиб, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ишлар амалга оширилди ва бу ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш даврида ҳам давом этмоқда. Фақатгина қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ҳуқуқий асослар яратилганининг ўзи ҳам деҳқон хўжаликларида аҳоли учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бу орқали даромадни ошириш манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Талабга яраша тақлифлар сонининг ошиб бораётгани шароитида маҳсулотлар сифати бирламчи экани яққол намоён бўлиб бормоқда. Деҳқон хўжаликларининг ривожланиши аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ва даромад олиш манбаи бўлса, қайта ишловчи корхоналар учун хомашё етказиб беришда, давлат учун аграр тармоқни барқарор ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда деҳқон хўжаликлари нафақат аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, балки қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадларини ошириш каби қатор муҳим иқтисодий-ижтимоий вазифаларни бажармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёв таъкидлаганидек “...қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ меҳнаткашлари, балки бутун Ўзбекистонимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир”. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз истеъмол бозорини тўлдириш ва

аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш кўпроқ деҳқон хўжаликлари фаолиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Деҳқон хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси ҳам шунга мос равишда ўсиб, 61,7 фоиздан 64 фоизгача етди. Мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва полизчилик борасида ҳукуматимиз томонидан қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши сўнгги ўн йилликда, 2006 йилдан буён қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини етиштиришда деҳқон хўжаликлари ўрни ва салмоғининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда деҳқон хўжалиги ўзининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига кўра иқтисодий фаолиятининг асосий субъектларидан бири ҳисобланган – уй хўжалиги ва фирманинг айрим жиҳатларини ўзида намоён қилади ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда катта аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда фуқароларнинг илмий асосланган истеъмол меъёри даражасида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш тўлиқ амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Бундан ташқари одамлар кунлик рационининг таркиби ҳам талабга тўлиқ жавоб бермайди. Кундан-кунга ошиб боровчи эҳтиёжни қондириш, таъминланиш даражасини ошириш – ечилиши лозим бўлган муаммолардан биридир.

Қишлоқ хўжалиги мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий тармоқлардан бири эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу йўналишда таҳлил этилаётган даврда эришилган ижобий натижаларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, барча асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш кўрсаткичлари миқдор жиҳатидан ўсган. Масалан, сабзавотлар 147,2 кг., сут етиштириш 86,6 кг. ва тухум 69 донага кўпайган. Бу кўрсаткичларга эришишда эса деҳқон хўжалигининг алоҳида аҳамиятини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Сабзавот ва мевалар инсонларни озукланишида катта аҳамиятга эга. Шу боис сабзавот ва меваларни янги ҳолда узоқ вақт сақлаш, ташиш ва сотишда

бўладиган исрофгарчиликни максимал даражада камайтириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Янги сабзавот ва меваларни етказиш ҳажмини ошириш билан бирга уларни саноатда қайта ишлаб қурилган, тузланган, мариновка қилинган, тез музлатилган ва сабзавот-мева консерваларини тайёрлаш миқдори ҳам бирмунча ортади .

Лекин деҳқон хўжаликлари етиштирган маҳсулотларини тўғридан-тўғри бозорларда сотиб, кўзлаган даромадларини ололмайдилар. Сўровнома олиб борилганда, деҳқон хўжаликлари аъзолари мавжуд муаммо сифатида бир нечтасини келтириб ўтишган:

- деҳқон бозорларининг аксарият деҳқон хўжаликларидан узоқда экани ва йўл ҳаражатларининг ортиқча бўлиб кетиши;
- туман марказлари ва шаҳарлар бозорларигача маҳсулотни етказиш жараёнида унинг сифати бузилиб, нархи 2-3 баробар тушиб бориши;
- транспорт воситаларининг етишмаслиги.

Албатта, деҳқон хўжалиги даромадининг юқори бўлишига улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати ва сотилиш даражаси ҳам таъсир қилади. Биринчидан, транспорт ҳаражатларининг ортиши, иккинчидан, “савдо ярмаркалари” ташкил этилиб, “улгуржи” нархда фақат деҳқон хўжалиги маҳсулоти сотилаётганлиги, кўпинча деҳқонлар қўлидан “чайқовчилар” сотиб олиб, аҳолига бир неча баробар қиммат сотаётганлиги, учинчидан, аҳолининг электрон пул – пластик карточкалар билан савдо қилиб, деҳқон бозорларида ҳали терминаллар ўрнатилмаганлиги – деҳқон хўжалиги маҳсулотлари нархига (арзон бўлишига) таъсир этади. Шунингдек, бир нечта деҳқон хўжаликлари кўрсатаётган муаммолардан яна бири нобуд бўладиган маҳсулотлари нархининг кескин тушиб кетишидир. Улар нархининг тушишига сабаб – логистик тамойилларга биноан фаолият юритувчи транспорт тизимининг етарли даражада яратилмаганлигидир. Бундай қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига помидор, қулупнай, бодринг, бақлажон, узум кабилар киради. Демак бу масалани ҳам илмий асосда ҳал

этиш керак. Махсус таралар, кутилар, брендлар яратилиши мақсадга мувофиқдир. Қувонарлиси, сўнгги пайтларда ушбу муаммонинг ечими йўлида салмоқли ишлар амалга оширилаяпти.

Аграр тармоқда ишлаб чиқариш кучларининг паст даражада ривожланганлиги ва етарли даражада ижтимоий кўринишга кела олмаганлиги аҳолини зарурий ассортиментда ва етарли миқдорда қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини бермайди. Аҳоли сонининг тобора ортиб бориши ва ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳам ортиб бориши каби объектив сабаблар туфайли деҳқон хўжаликларини истиқболда ривожлантиришга зарурият мавжуд эканлигини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда деҳқон хўжаликлари учун аниқ тартибга солинган, қулай таъминот тизими мавжуд эмас. Деҳқон хўжаликларини зарурий ресурслар билан таъминлаш асосан хусусий шахслар томонидан амалга оширилмоқда. Бу эса, уларнинг сифатли ресурсларни олишга бўлган имкониятининг чекланишига олиб келмоқда .

Юқоридаги муаммоларни ҳал этмай туриб, истиқболда деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг иложи йўқ. Ушбу муаммони ҳал этишнинг асосий йўлларида бири мамлакат, вилоят бўйича деҳқон хўжаликларини зарурий ресурслар билан таъминлаш ишлари билан шуғулланувчи алоҳида таъминот – сервис хизмати тизимини ташкил этишдир. Шунинг учун фикримизча, жойларда бундай ташкилотларни ташкил қилиш орқали деҳқон хўжаликларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатилган бўлади ва деҳқон хўжаликлари ўзларида туғилган ҳар бир муаммони ушбу ташкилотлар орқали ҳал этиш имкониятига эга бўладилар.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш асосида, соҳа тармоқларини модернизация қилиш ва диверсификациялаш асосида ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланишга эришилмоқда. Бутун дунёда ресурсларнинг камёблиги ва қимматлиги шароитида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида тежамкор агротехнологиялардан фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб

чиқаришни нисбатан арзон ресурслар билан таъминлашга қаратилган аграр ислохотлар олиб бориш ғоят муҳимдир. Ўзбекистонда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштираётган деҳқон хўжаликлари олдида турган муаммолар ўз ечимини топса, истиқболда, биринчидан, қишлоқ аҳолиси фойдали меҳнат билан банд бўлар эди; иккинчидан, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган масаласи ўз ижобий ечимини топади.

## II-Боб бўйича хулоса

Диссертациянинг III-Боби Ўзбекистонда рақобат муҳитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари деб номланиб, ушбу бобда Ўзбекистон Республикасида рақобат муҳитини такомиллаштириш моделлари, Рақобат муҳитини такомиллаштиришнинг хориж тажрибаси ва уни Ўзбекистон амалиётида қўллаш имкониятлари баён этилган.

II-Боб бўйича хулоса қилиб айтганда Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган янгидан ташкил этилган корхоналарнинг рақобатбардош эмаслиги ва уни бошқарма томонидан қўллаб-қувватлаш зурурлиги, мамлакатда ёш иқтисодий соҳаларни ҳимоя қилиш ривожланиш даражаси нисбатан пастлиги, янги соҳанинг рақобатлашишга тайёргарлик даражасини аниқлашнинг қийин кечиши ва бошқа бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги, уларни бартараф этиш учун эса экспортни қўллаб-қувватлашнинг молиявий механизмларидан кенгроқ фойдаланиш, реал сектор корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоб-китоблар узлуксизлигини таъминлаш мақсадида халқаро ҳисоб-китоблар шаклларида самарали фойдаланиш керак деб ҳисоблаймиз. Бозорнинг барқарор фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ва истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларига зарар етказувчи битимлар тузиш, нархлар ва тарифларни сунъий ошириш қатъиян ман этилади. Аммо эркин бозор иқтисодиётининг бу тамойилига барча амал қиляпди, деб бўлмайди.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Маълумки, энди фаолият бошлаётган субъект ва қаддини тиклаб олган ёки табиий монопол корхоналарнинг имконияти бир хил бўлмайди. Бозор эса уларнинг барчаси эркин фаолият юритиши учун мўътадил ва тенг шароит яратилишини тақозо қилади. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган "Рақобат тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 20 августда имзоланган "Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»га қарори мамлакатимизда бу жараёни такомиллаштириш ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

2. Тадбиркорларнинг ўз маҳсулотларини эркин сотиши учун шартшароит яратилгани, бу жараёнда бозор шакли – биржа савдоларининг кенг йўлга қўйилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Бозорларимизда шаклланаётган рақобат муҳити самарасида маҳсулот ва хизматлар сифати тобора яхшиланиб, кичик бизнес субъектларининг мавқеи мустаҳкамланмоқда.

Бозорнинг барқарор фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ва истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларига зарар етказувчи битимлар тузиш, нархлар ва тарифларни сунъий ошириш қатъиян ман этилади. Аммо эркин бозор иқтисодиётининг бу тамойилига барча амал қилаётир, деб бўлмайди. Монопол мавқега эга айрим ташкилотлар бугунги кун талаби даражасида фаолият олиб боришдан кўра ўз манфаатини ўйлаб иш тутаётган ҳолатлар ҳам учраб турганлиги сабабли, ушбу соҳада давлат назоратини янада кучайтириш лозим.

3. Айтиш жоизки, мамлакатда ёш иқтисодий соҳаларни ҳимоя қилиш ривожланиш даражаси нисбатан пастроқ бўлган мамлакатларда, уларнинг саноати тажрибага эга бўлмагунча, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларининг пастлиги жиҳатидан импорт қилинадиган маҳсулотлар билан рақобатлаша олмагунча, бож тарифларини вақтинча киритиш,

замонавий саноат маҳсулоти импортини чеклаб, кучли рақобатдан миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилади. Импорт тарифи ҳимояси остида янги саноат соҳаси ишлаб чиқаришни такомиллаштиради, унинг самарадорлиги ошади, маҳсулотнинг нархи пасаяди. Маҳсулотнинг ички нархи жаҳон нархига яқинлашади ва бож тарифи бекор қилинади. Халқаро рақобатга киришгач, мамлакат ўз ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда давом этади, ички нарх жаҳон нархи даражасидан пасаяди ва бу мамлакат учун янги соҳаларнинг маҳсулотларини экспорт қилишга имконият яратади рақбатбардошлилигига таъсирини таҳлил қилишда қуйидаги жиҳатларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

1. Ҳимоя қилувчи тарифни олиб ташлаш учун етарли бўлган янги соҳанинг рақобатлашишга тайёргарлик даражасини аниқлаш қийин кечиши мумкин. Тариф мавжуд бўлишига манфаатдор гуруҳлар уни узоқ вақт давомида сақлаб қолишга ҳаракат қилишади, шунинг учун киритилган тарифни бекор қилиш қийинлашади.

2. Жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиш учун тариф ҳимояси остида маълум бир вақт оралиғи давомида ривожлана оладиган соҳаларни аниқлаш жуда ҳам қийин масала ҳисобланади. Маълум бир мамлакатлар мисолида бажарилган махсус тадқиқотлар ҳимоя қилинган соҳаларда харажатлар ҳимоя қилинмаган соҳаларга нисбатан тезроқ тушишини исботламаган.

3. Миллий ишлаб чиқаришни рақбатлантиришнинг божхона тарифларидан ташқари бошқа усуллари ҳам мавжуд бўлиб, улар қўйилган мақсадларга камроқ харажатлар билан эришиш имконини беради (масалан, ички субсидиялар) пасайтирилди. Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1140та лойиҳа амалга оширилди. унинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича самара 5300 млн.АҚШ долларини ташкил этди.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳити шакллантирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикамызда тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, шунингдек, миллий маҳсулотларимизни рақобатбардошлигини янада ошириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

➤ Экспортни қўллаб-қувватлашнинг молиявий механизмларидан кенгроқ фойдаланиш. Хусусан, ташқи бозорларда миллий товарларни харид қилинишини кредитлар орқали рағбатлантириш ва бунинг учун зарур институционал асосларни барпо этиш. Бу ўринда гап турли мамлакатларда амал қилувчи экспорт-импорт банки функцияларини амалга ошириш хусусида кетмоқда.

➤ Реал сектор корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоб-китоблар узлуксизлигини таъминлаш мақсадида халқаро ҳисоб-китоблар шаклларида самарали фойдаланиш. Маълумки, корхоналарнинг экспорт-импорт шартномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг сезиларли қисми қопланган аккредитивга тўғри келмоқда. Айни пайтда, резерв аккредитив учун комисион тўловларнинг миқдор зиммасига тушиши ишлаб чиқарувчиларнинг модернизациялаш мақсадида импорт қилган ускуна ва жиҳозларининг қимматлашишига сабаб бўлмоқда.

➤ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспорт фаолиятини янада рағбатлантириш. Бу ўринда консалтинг хизматларини кенгайтириш, банклар

➤ томонидан экспорт шартномаларини рўйхатга олишни соддалаштириш, экспортдан тушган валюта маблағларини мажбурий сотишдан озод қилиш каби чораларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, бизнес юритиш шароитларини яхшилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга қаратилган давлат сиёсати ва мамлакатдаги мавжуд тўлақонли рақобат муҳитидаги кураш миллий фирмаларни сифат ва нарх жиҳатдан устунликка эришиш учун ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга ундайди.

Бу орқали инновацион технологиялар ва замонавий илмий ютуқларни ишлаб чиқаришга жадал жорий этилиши, ишлаб чиқариш таркибини диверсификация қилинишига эришилади. Ички бозордаги рақобат курашида тобланган фирма ўз тажрибасини рақобат янада кучлироқ бўлган халқаро бозорда қўллайди. Ички кураш канчалик оғир кечган бўлса, бу фирма халқаро бозорда муваффақиятга эришиш имконияти шунчалик катта бўлади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2017. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонунуни «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон;
3. «Табиий монополиялар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 17-сон, 173-модда 2016 й.,
4. «Рақобат тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Тошкент.: Адолат, 2016 й. 560 б.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармонлари**

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда). «Халқ сўзи» газетаси 2017 йил 8 февраль, 28 (6722)-сон.
7. «Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштирилган, корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» ПФ-5016 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2017-йил 18-апрель.,
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПК-3225-сон қарори 2017 йил 17 август «Халқ сўзи» 2016 йил 18 август № 163 (6857)-сон

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-5087-сон Фармони «Халқ сўзи» 2017 йил 20 июн № 121 (6815)-сон

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Тошкент ш., 2016 йил 5 октябрь, ПФ-4848-сон, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 982-модда

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари**

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Тошкент ш., 2018 йил 30 март, 249-сон (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.03.2018 й., 09/18/249/0998-сон)

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Тошкент ш., 2017 йил 8 сентябрь, 704-сон, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.01.2018 й., 09/18/26/0578-сон, 09.04.2018 й., 09/18/273/1045-сон

13. «Табиий монополия субъектларининг давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат

қўмитасининг қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 34-сон, 461-модда.,

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари**

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 23 декабрь 2017 йил.

15. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. (2017-01-14) Т.: - Ўзбекистон-2017.

16. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз./ Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.( 2016 йил 14 декабрь куни).

17. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз”. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Ш.Мирзиёев. Тошкент “Ўзбекистон”, 2017 – 488 б.

#### **V. Асосий адабиётлар ва қўшимча адабиётлар**

18. Портер М., Майкл Э. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов / Пер. с англ. Учебник. - 2-изд. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2009. - 516 стр.

19. Горбунов А. Национальная конкурентоспособность. – М.: «Анкил», 2010. – 256 с.
20. Мазилкина Е.И, Паничкина Т.Г. Управление конкурентоспособностью. Учеб. пособ. – Омега-Л, 2009. 325 с.
21. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы / Н.С. Носова.- 2-е изд. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К»; Саратов: ООО «Англейс», 2010.- 256 с.
22. The Privatization of Roads and Highways: Human and Economic Factors Paperback – Large Print, 2012 by Walter Block (Author)
23. Privatization: An International Review of Performance By Graeme A. Hodge Westview Press, 2014
24. Making Public in a Privatized World David A. McDonald London, United Kingdom ZED-BOOKS-LTD 2016 Paperback
25. Улашов Б.С. Конкурентная политика в Узбекистане. Монография. –Т.: Фан. 2012. – 408 с.
26. Фатхутдинов Р.А. Управление конкурентоспособностью организации: Учебник. Н.\ ЭКСМО, 2004. - 544 с.
27. Мамарасулов У.М. Иқтисодиёт ва бозор муносабатлари. - Т.: «Наврўз», 2016.
28. Кузнецова А.И. Инфраструктура: Вопросы теории, методологии и прикладные аспекты современного инфраструктурного обустройства. Геоэкономический подход. М.: Кои Книга, 2016.

## **VI. Илмий нашрлар**

**(газета, журнал, мақола, тезис ва хокозо).**

29. Белоусов В.Л. Анализ конкурентоспособности фирмы // Маркетинг в России и за рубежом. – 2001, №5. 63-71 б.

30. Воронов Д.С. Динамический подход к оценке конкурентоспособности предприятий // Маркетинг в России и за рубежом. 2014, №5. 92-102 б.

31. American review, page-11, 28.10.2016

32. Бошқарув ҳисобида даромад ва харажатларни бюджетлаштириш масалалари, Авлоқулов А.З. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил.

33. Мамлакатимизда давлат мулкани хусусийлаштиришда эришилган ютуқ ва камчиликлар, Ахророва А.А. Ахмедов С.Т., Тўхтамуродов И.Р., Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарув ва рақобат муҳитини ривожлантиришнинг долзарб масалалари республика илмий-амалий анжумани, мақола ва тезислар тўплами 1-қисм, 2017 йил 12 май Тошкент, ТДИУ– 2017, 190-б.

## **VII. Интернет сайтлари**

34. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик ҳужжатлари сайти.

35. [www.gkk.uz](http://www.gkk.uz) - Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қумитаси расмий сайти.


36. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат қўмитасининг сайти.

37.. <http://www.gov.uz>–Ўзбекистон Республикасининг давлат портали.

38. <http://www.mineconomy.uz>–Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг сайти.

39. [www.webofscience.com](http://www.webofscience.com) – илмий мақолалар ва адабиётлар базаси.

40. [www.scopus.com](http://www.scopus.com) - илмий мақолалар ва адабиётлар базаси.



1-илова. Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилоят худудий бобошқармасининг таркибий тузилмаси